Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• МАХСУС СОН • 2008 йил 29 август • жума • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ислом КАРИМОВ:

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдек эзгу ниятлар ижобати йўлида дадил одимлаётган мамлакатимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Обод юрт осойишталиги, бунёдкор кўнгиллар хотиржамлиги, дастурхонлар тўкинлиги бардавом бўлсин!

АДЛИЯ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТЛАР демократик ҳуқуқий давлат ва жамияти барпо этишдан

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида эълон қилинган қутлуғ сана арафасида истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ишлар, босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаш яхши анъанага айланди. Истиқлолимизнинг 17 йиллиги тарихан қисқа фурсат саналса-да, бу даврда демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, чунончи, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Натижада ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсад-муддаога эришиш, юртимизда тинч, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз турмуш тарзини юксалтириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Эришган муваффақиятларимиз билан кифояланиб қолмай, жамиятимизни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, иқтисодиётимизни янада юксалтириш борасидаги кенг қамровли ишлар алоҳида эътиборга молик. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи ҳужжатлар қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши, янада такомиллаштирилиши ютуқларимиз бардавомлигини таъминлаяпти. Ўз навбатида Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди. Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгилаб олинди ҳамда бу борада амалий ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Нафақат қонунчилик, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар тўғрисида сўз борар экан, судларнинг ихтисослашуви муносабати билан одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддати қисқаришига эришилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда шу йилнинг 1 январидан жиноий жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланганлиги, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги шахс ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда дахлсизлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этди. Бу оламшумул ўзгаришлар кенг жамоатчилик томонидан нечоғли қизғин кутиб олинганига барчамиз гувоҳмиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, истиқлол шарофати билан Адлия вазирлиги мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг зарур ҳуқуқий-сиёсий институти сифатида тан олиниб, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда улар ижросини таъминлаш бўйича аниқ ва кенг кўламли ишлар амалга оширилишида муносиб ўрин эгаллади. Бу борада Президентимизнинг 1992 йил 8 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармони ўта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли Адлия вазирлиги йилдан йилга такомиллашиб, зиммасидаги масъулиятли вазифаларни ваколати доирасида бажариб келмоқда.

Жумладан, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан мониторинг қилиш, Конституция ва қонунлар билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг **"Ёшлар йили"** деб эълон қилиниши, Президентимиз томонидан **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонларнинг эълон қилиниши, **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ва эзгу ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди. Бу, албатта, ўз-ўзидан турмушимиз фаровонлиги, қадр-қимматимиз, ҳуқуқ ва эркинлигимиз ҳимоясини ҳар жиҳатдан таъминлаш ва мустаҳкамлаш имкониятини беради. Шу маънода Президентимизнинг 2008 йил 29 февралдаги **"Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори моҳият-эътибори билан ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган ҳолда "Ёшлар йили" Давлат дастурида қабул қилиниши назарда тутилган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу йўналишнинг изчил ва тўлақонли амалга оширилишида муҳим ўрин эгаллайди. Айни чоғда Адлия вазирлиги томонидан дастурда белгиланган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши ҳамда идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши бўйича мониторинг олиб борилмоқда. Шунингдек, Давлат дастурининг **"Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш"** деб номланган I бўлими ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун инвентаризациядан ўтказиш, **"Таълим тўғрисида"**ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш, **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ва бошқа бир қатор Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар етарли даражада амалга оширилмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан — **804** маротаба, Халқ таълими вазирлиги билан - **929** маротаба тадбирлар ўтказилган. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг 4-бандидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги **"Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчалари тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида**"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш орқали турли сабабларга кўра ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар жиҳатдан баркамол ва етук инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бинобарин, Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида Адлия вазирлиги бевосита иштирок этди ва айни чоғда адлия органлари томонидан тегишли режалар асосида, кўргазмали қуроллар ёрдамида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг мазмуни ва моҳияти", "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясининг Ўзбекистон Республикасидаги имплементацияси", "Ювенал адлия тизими ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши", "Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи" сингари мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан мазкур Қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарғиб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари изчил амалга ошириб борилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кўргазмали ҳуқуқий тарғибот шаклида ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилиб, **13 та** буклет, **22 та** плакат тайёрланди, **47 та** дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, республикамизнинг турли ҳудудларида ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш чоғида халқимизнинг ҳуқуқий билимларга эҳтиёжи яққол кўзга ташланмоқда. Бу, ўз ўзидан ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо қилаётир. Масалан, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони ҳам халқимиз томонидан ғоятда илиқ кутиб олинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 6 майда "Назорат режаси" ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда амалдаги миллий қонунчиликни **"Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш режалаштирилган. Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2008 йилнинг ўтган даврида аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида **6 минг**дан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилди, илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Вазирлик томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декла-

рациясининг асосий қоидаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини очиб беришга мўлжалланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий мақолалар чоп этиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Худди шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони юзасидан ҳам аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш сингари мақсадларни қамраб олганлиги билан қимматлидир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Адвокатлар ассоциацияси ҳамкорлигида Фармоннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2008 йилга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик режаси тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

2008 йил 20 июнда Вазирлар Маҳкамасининг **"Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, **"Адвокатура институти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга юборилди. Адвокатлар палатасининг устави, Адвокатлар касб этикаси Қоидалари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга ишчи тартибда тақдим этилди. Тарафлар вакиллиги институтини такомиллаштириш мақсадида судлар иш юритувида юриспруденция йўналишида махсус билимга эга бўлмаган шахслар иштирокига йўл қўймаслик назарда тутилган ҳолатлар юзасидан хориж амалиёти ўрганилмоқда. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг **"Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур Фармон мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида адлия органлари томонидан марказий ва тармоқ нашрларда **23 та** мақола, радиоканаллар орқали **13 та** эшиттириш, телевидение орқали **14 марта** чиқишлар ташкил этилди.

Маълумки, адлия органлари зиммасига судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича кўзда тутилган ишларнинг самарадорлигини ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа ваколатли давлат идоралари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ идоралари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юклатилган. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб этилган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам адлия идоралари масъул этиб белгиланган.

Шунга кўра, адлия органлари томонидан ҳуқуқий таъминот самарадорлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши алоҳида назорат қилинаяпти.

Жумладан, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш янада кучайтирилди.

Айтайлик, Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, республиканинг барча ҳудудларида тадбиркорларга ер участкалари ва бўш турган биноларни бериш ҳамда бу борадаги ҳужжатлаштириш ишларининг ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан адлия органлари томонидан **45 та** тақдимнома, **59 та** огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича **34 та** баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун одил судлов органларига юборилди.

Шу билан бирга ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар тўлиқ таҳлил қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларининг сабаблари ва бунга туртки бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш, айбдор шахсларнинг қонуний жавобгарликка тортилишини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан вилоят ҳокимликларига тақдимномалар киритилиб, тегишли чоралар кўрилиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти ўрганилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилди.

Шунингдек, адлия органлари томонидан назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги доимий назоратга олинган. Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида текширишлар сони сезиларли даражада қисқартирилди. Ўз навбатида назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашларининг қонунийлиги ҳам ўрганиб бориляпти. Бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда асоссиз равишда аризалар киритиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга кўрсатма хати киритилди. Албатта, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик субъектларига айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсатнома беришда қонун ҳужжатларига амал қилиниши юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан судларга **15 та** даъво аризаси, **99 та** тақдимнома, **51 та** огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Жорий йил мобайнида адлия органлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз борар экан, жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганиб, тегишли таклифлар киритилаётгани, давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатлари ўрганилиб, бу борада мониторинг ишлари олиб борилаётганини ҳам санаб ўтиш лозим.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатлари кўриб чиқилиб, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида улар хабардор қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мавжуд тўсиқларни аниқлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, давлат бошқаруви ҳамда назорат қилувчи идора ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди.

Ижтимоий сўровда **5910 та** тадбиркорлик субъектлари ва давлат бошқаруви ҳамда назорат қилувчи идораларнинг **2670 нафар** ходимлари иштирок этди. Ижтимоий сўровда қайд этилган жавоблар умумлаштирилиб, билдирилган фикр ва таклифлар таҳлил қилинди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоатчиликка унинг мазмун-моҳиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш ҳамда бу борада назорат органлари ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда **"Текширишлар "А"дан "Я"гача"** номли қўлланма тайёрланди ва чоп эттирилди. Лицензияловчи орган ходимлари ва лицензия талабгори бўлган тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимлари оширилишини таъминлаш мақсадида **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсатномалар беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар"** тўплами ҳам нашрдан чиқди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил учун ҳамкорлик режалари тузилиб, икки томонлама ижрога қаратилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан - **693** маротаба, Олий хўжалик суди билан - **436** маротаба, Бош прокуратура билан — **634** маротаба, Ички ишлар вазирлиги билан — **784** маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳа, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг пировард мақсади — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат эканини халқимизга тушунарли тарзда етказиб беришни бугун даврнинг ўзи тақозо этаётир. Шу мақсадда адлия идоралари томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **21669** маротаба тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **960 та** кўп демакдир. Зотан, ҳуқуқий маданияти юксак халқ эзгу мақсад йўлидан оғишмай олға интилади.

Албатта, бу билан адлия органлари фаолияти камчилик ва муаммолардан холи, дейишдан бутунлай йироқмиз. Ҳали вазирлик олдида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, ўз ижобий ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аввало, ислоҳотлар истиқболи йўлидаги ҳаракат дастуридан оғишмай олға интилишимиз, ҳуқуқий базани тизимли ривожлантириш масаласини чуқур таҳлил этиб, зиммамиздаги вазифаларни изчил амалга оширишимиз лозим.

МОҲИЯТИ эркин фуқаролик иборат

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" Миллий авиакомпанияси

барча юртдошларимизни энг азиз, энг улуғ байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файз-барака аримасин. Юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ПАРВОЗИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳалар қаторида авиация ривожи учун янги имкониятлар очилди. Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ташкил этилди. 1995 йил 21 июлда эса "Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти кунини белгилаш тўғрисида"ги ҳужжат имзоланди.

1924 йил 12 майда Тошкент — Пишпек — Олма-ота йўналиши бўйича амалга оширилган йўловчи қатнови Ўзбекистон фуқаро авиациясининг шаклланишига асос солди. Ўша йилнинг ўзида Когон — Оқтўқой — Даргонота — Хива ва Бухоро — Термиз — Душанбе йўналишлари бўйича қатновлар йўлга қўйилди. Ўша йилда 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсатилиб, 5 тонна юк ва 200 килограмм почта жўнатилган эди. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси хизматларидан 1 миллионга яқин йўловчи фойдаланди ва 11,9 минг тонна юк ташилди.

Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ўз мижозларига мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларига ва 45 дан зиёд халқаро йўналишлар бўйича қатновларни тақдим этмоқда. Сўнгги ярим йил ичида МАКнинг халқаро парвозлари харитасига Дубай янги йўналиши қўшилди. Европа, Осиё, Америка, МДҲ мамлакатларининг 40 дан ортиқ шаҳарларида МАК ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

"Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасининг Техник хизмат кўрсатиш Марказида Миллий авиакомпаниянинг "А-310" самолётига "D-check" шаклидаги техник хизмат тури кўрсатилди. Аввалари бундай техник хизмат тури миллий авиаташувчининг ҳаво кемаларига хорижда кўрсатилар эди. Ушбу ноёб хизмат тури бўйича дастурни авиакорхона мутахассислари белгиланган муддатда, яъни 66 кун ичида бажардилар. Эндиликда "UAT" авиакорхонаси хорижий авиакомпаниялар самолётларига ҳам "D-check" шаклида техник хизмат кўрсатишга тайёрлигини ишонч билан айтиш мумкин.

Ўзбекистон аэропортлар тармоғи давлат транспорт инфратузилмасининг муҳим қисми саналади. "Тошкент" халқаро аэропорти ривожланиш суръатларини доимо ошириб, сервис сифатини яхшилаб бораётгани ҳолда ҳақли равишда мамлакатимизнинг "ташриф қоғози" ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида пойтахтимизда йўловчиларга хизмат кўрсатиш имконияти сезиларли даражада ортди.

"Тошкент" ва "Самарқанд" халқаро аэропорти Аэропортлар Ассоциациясининг (бир йилда юз минггача йўловчи ташувлари ҳажми категориясида) нуфузли халқаро мукофотига бир неча марта сазовор бўлди.

Авиация хавфсизлиги, авиаташувлар ишончлилиги ва сифатига талаб кун сайин ортмоқда. Бу борада халқаро ва мамлакатимиз манфаатдор тузилмалари билан ҳамкорликда барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ICAO) ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолияти аудитдан ўтди. Аудит ICAO режаси бўйича Чикаго конвенциясининг иловасида ифода этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда фуқаро авиацияси тизими ҳолатини баҳолашга холисона ёндашиш асосида ўтказилди.

ICAO мутахассислари Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини назорат қилувчи самарали тизим жорий этилгани ҳамда фуқаро авиацияси ходимларининг нафақат қонунчилик, балки хизмат кўрсатувчи даражасидаги юксак касбий маҳоратини ҳам таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси раҳбарияти Корея Республикаси Транспорт вазири ўринбосари ва "Korean Air" авиакомпанияси президенти бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви 2008 йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Натижада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва "Korean Air" авиакомпаниялари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур меморандумда "Навоий" аэропорти базасида "Логистика халқаро маркази" қурилиши ва авиакомпаниялар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни давом эттириш масалалари келишиб олинди.

2008-2009 йилларда Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси "Korean Air" таклифи бўйича дунёдаги энг йирик авиакомпанияларни бирлаштирувчи ҳамда йўловчи ва юк ташувлари жаҳон бозорининг 35 фоизини назорат қилувчи "Sky Team" халқаро авиация альянсига аъзо бўлади. Ушбу ҳамкорлик "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКни халқаро авиатранспорт тизимидаги интеграцияси, парвозлар хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашда янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси альянс аъзоси бўлишга катта масъулият билан тайёргарлик кўрмоқда. Бу "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва "Korean Air" ўзаро ҳамкорлигида қўшимча имкон яратиб, Ўзбекистон фуқаро авиацияси тармоғини ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз авиакомпанияси ўз фаолиятини фойдаланувчилар талабини янада тўлиқ қондиришга қаратган ва уларга юқори сифатли хизмат кўрсатилишини кафолатлайди. Келажакдаги асосий вазифалардан бири - электрон билетлар сотуви тизимига тўлиқ ўтишдир. Бунинг учун ҳозирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд бўлган ҳамма тарифлар Сотувлар халқаро тизимига жойлаштирилди. Яқин вақтда йўловчилар билетни интернет орқали бронь қилиш имкониятига эга бўлади. Ўз-ўзига хизмат қилиш киоскаларини ташкил этиш ва радиочастотали богаж ёрлиқлари тизимини жорий этиш ҳам келажакдаги асосий вазифалардандир. Ушбу хизмат кўрсатишнинг янги услублари нафақат Ўзбекистонда, балки МАК ваколатхоналари фаолият юритаётган хорижий давлатларда ҳам жадал равишда жорий этилмоқда.

Авиация транспортининг муваффақиятли ривожланишида, биринчи навбатда, юқори малакали мутахассислар - учувчилар, техниклар, ер усти хизматлари ходимлари ҳамда ўзининг муҳим ва мураккаб вазифасини сидқидилдан бажариб келаётган барча мутахассислар катта ҳисса қўшмоқдалар.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Матбуот хизмати

• Назорат

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

соҳалар тараққиёти, фуқаролар манфаатлари учун хизмат қилади

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият саналиб, Конституциямиз ва амалдаги қонунлар билан ҳимояланади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари муҳим ўрин тутади.

Жумладан, Сурхондарё вилояти прокуратура органлари "Ёшлар йили" муносабати билан йигит-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишларида зарур ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар қонуний сарфланиши прокуратура томонидан қатъий назоратга олинган.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бюджет маблағлари, табиий газ ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўзаро тўлов интизомига риоя қилиш, банклар фаолияти, мумкин давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш, таълимга оид ва бошқа қонунлар ижросига катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 288 та текшириш натижасига кўра, 7235 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 3521 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 126 та жиноят иши қўзғатилди. Аниқланган моддий зарарнинг 1 миллиард 347,1 миллион сўми айбдор шахслар ҳисобидан ихтиёрий равишда қопланди. Судларга қиймати 546,4 миллион сўмлик 1801 та ариза киритилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал этиляпти. Жумладан, Денов туманидан Э.Ашуров ва бошқаларнинг аризаси асосида прокуратура ёрдами билан "Сурхон махсус йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш" корхонаси 319-йўл бўлимидан ишчиларнинг 1,5 миллион сўмлик тўланмай турган иш ҳақлари ўз эгаларига берилиши таъминланди.

Фуқаро Г.Аликулова вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, "Аср тонги" хусусий фирмаси раҳбари Ҳусан Fозиев "Дамас" автомашинаси олиб бераман, деб ундан 7,6 миллион сўм олиб кетганлиги, лекин анча вақтдан бери ваъдасини бажармаётганини баён қилган. Ариза юзасидан ўтказилган текширишда аниқландики, Ҳ.Fозиев 2001 йилда фуқаро Ш.Маманазаров номига "Аср тонги" хусусий фирмасини очган, унинг номидан фирма билан боғлиқ барча фаолиятни олиб бориб, бир неча ташкилотлар раҳбарларининг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан уларнинг мулкини ўзлаштирган. Масалан, "Ўрал бобо" фермер хўжалигига автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб бериш бўйича Ш.Маманазаров номидан сохта имзо қўйиш йўли билан шартнома тузган. Банкдаги ҳисоб рақамига фермер хўжалигидан 7,6 миллион сўм ўтказиб берилгандан кейин қарзларини ёпиш учун бу маблағни бошқа ташкилотлар ҳисоб рақамига ўтказиб юборган. Ҳ.Fозиев суд томонидан қилмишига яраша жазоланиб, маблағ эгасига қайтарилди. Фуқаролар ҳуқуқлари тикланганлигига оид бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоятимизда асосий ишлаб чиқариш кучлари банд бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш йўналишида асосий эътибор пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги қонунбузарликларнинг, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида бу йўналишда ўтказилган 92 та текшириш ва мониторинг натижасига кўра, 5004 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 354 та протест келтирилди, 1410 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, судларга қиймати 1 миллиард 105,1 миллион сўмлик 1248 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 44 та жиноят иши қўзғатилди. Қонунийлик аҳволи юзасидан вилоят ҳокимига тўққизта ахборотнома юборилди.

Ердан оқилона фойдаланиш, ер ажратиш масалаларида қонунийликни таъминлаш юзасидан олиб борилган назорат тадбирлари мобайнида 372,6 гектар майдондан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, шундан 306,2 гектари захира фондига қайтарилиши таъминланди.

Фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборимизда бўлиб келаётир. 2 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб рақами очишда амалий ёрдам кўрсатилди. Фермер хўжаликларига 11,1 миллион сўм дебитор, 4 миллион сўм кредитор қарзларни ундиришда, 44,9 гектар ер майдони, 39,4 тонна минерал ўғит, 19,1 тонна нефть маҳсулотлари, 31 та техника воситаси ҳамда 5 миллион сўм кредит маблағлари қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Назорат ишлари жараёнида айрим фермерларнинг суиистеъмолчиликка йўл қўйганлиги ҳам аниқланди. Баъзи фермер хўжаликлари техника воситаларини тасарруф қилишда ноқонуний йўл тутишган. Хусусан, Жарқўрғон туманидаги "Пасурхи" фермер хўжалиги "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"нинг вилоят филиали билан тузилган шартномага мувофиқ етти йил давомида тўлаш шарти билан лизинг қиймати 6 миллион сўмликдан зиёд битта трактор олган. Бироқ, фермер хўжалиги бошлиғи Й.Бўриев тўловларни амалга оширмасдан, шартнома шартларини бузган ҳолда тракторни фуқаро А.Аҳмедовга сотиб юборган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича назорат ишларида асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Юртимиз ободлиги, халқ фаровонлиги жамиятда қонун устуворлиги билан ҳам амалга ошади. Шу эзгу мақсад йўлида қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси прокуратура органлари фаолиятининг асосига айланган.

Дилмурод АБДУРАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ демократик ҳуқуқий жамият қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа сифатида белгиланди.

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Мамлакатимизда давлат органлари, корхона ва ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши, ҳамда инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда адлия идораларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига кўра, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида, Адлия вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилган бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритиш ҳамда фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш уларнинг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни ўз фаолиятининг асоси деб билиб, вилоятда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши аҳволини доимий равишда ўрганиб, таҳлил қилиб бормоқда.

2008 йилнинг биринчи ярмида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, улғайиб келаётган ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, миллий қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланишларни ўз вақтида аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинишини таъминлаш мақсадида жами 340 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1045 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 66 та тақдимнома ва 67 та маъмурий иш қўзғатиш тўғрисида таклиф киритилди ҳамда 12 та ҳолатда

қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 82 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 10 нафари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, 77 нафар мансабдор шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда ноқонуний чиқарилган 2 та буйруқ бекор қилинди.

Бошқарма томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга жиддий эътибор қаратилиб, уларни ўз вақтида жойида кўриб чиқиш юзасидан чоратадбирлар кўрилмоқда. Бу борада ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида бошқармага келиб тушган ҳар бир мурожаат "назорат-таҳлил ахборот дастури"га қайд қилиниб, назоратга олинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан, адлия идоралари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этмоғи лозим.

Отабек УРУНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

"ХИВА ГИЛАМИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини энг улуғ,энг азиз байрам - Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади, хонадонингизга ўз гиламлари янглиғ гўзаллик,ободлик ва оройиш тилайди.



"ШАПОҒАТ ОНА" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Сиз азизларни Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллик шодиёнаси билан қутлашдан бағоят мамнун.
Юртимиз равнақи ва тарққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатингиз унумли,эришаётган муваффақиятларингиз янада салмоқли бўлсин!
Биз етиштираётган саховатли она еримиз маҳсулотларидан мудом баҳраманд бўлинг,улар сизлар учун!

ИНСОН ҲАЁТИ МУҚАДДАС

Одам савдоси — инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир. Бу жиноят ўзининг чегара танламаслиги ва ўз домига асосан ёшларни ҳамда аёлларни тортаётганлиги билан хавфлидир.

Бугунги кунда трансмиллий қўлам касб этиб, тобора кучайиб бораётган одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Глобаллашув жараёнида бу ўта жирканч жиноят мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида "Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатдаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноятчи ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади" деганларида нечоғли ҳақ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳозирда дунёдаги барча мамлакатлар турли кўринишдаги бу иллатдан жабр кўрмоқда. Шу сабабли одам савдоси жиноятининг ҳар қандай кўриниши ва турлари трансмиллий, яъни чегара билмас эканлиги сабабли, унга қарши халқаро миқёсда олиб борилаётган кураш қизғин тус олган бўлиб, бу ҳар бир давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўшилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди ва бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Жиноят кодексида бу каби жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган меъёрлар мавжуд. Шунингдек, жорий йилнинг апрель ойида **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун кучга кирди. Яқинда Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида "Бирлашган миллатлар ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью Йорк, 2000 йил 12 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, бу каби жиноятларга чек қўйиш ва олдини олиш билан боғлиқ умуминсоний курашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 8 июлдаги Қарорига асосан республика Идоралараро комиссияси тузилиб, унинг Низоми ва таркиби ҳамда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур қарорга асосан Ангрен шаҳар ҳудудий идоралараро комиссияси тузилиб, одам савдосининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий ва дунёвий билимларини ошириш, ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратиш каби масалалар одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги иллатларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан шаҳар идоралараро комиссия аъзолари маҳаллаларда, ўқувчи ёшлар ва меҳнаткашлар ўртасида суҳбатлар, учрашувлар ўтказишни ўз фаолиятларининг узвий бўлаги деб ҳисоблайди.

Афсуски, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу турдаги жиноятлар содир этилмоқда.

Мисол келтирадиган бўлсак, Ангрен шаҳрида яшовчи Норалиева Меҳринисо муқаддам икки маротаба, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси билан, яъни ғаразли мақсадда қўшмачилик жиноятини содир этгани учун судланган. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган М.Норалиева яна қабиҳ жиноятини давом эттирди. Ўзининг эски танишлари бўлмиш Саидова Мукамбар ва Саидова Наргиза билан жиноий тил бириктириб, 2006 йил октябрь ойидан бошлаб, 1989 йилда туғилган И.Юлдашевани зўрлик билан, қўрқитиб, ушлаб туришган. Ундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, пул ишлаган.

Яна бир мисол. Ангрен шаҳрида яшовчи Раҳмонова Лола алдов йўли билан Антонина ва унинг дугонасини Қозоғистон Республикасига олиб бориб 500 АҚШ долларига сотиб юборган.

Ҳозирда бу кимсаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракати давом этмоқда.

Бу каби нохуш ҳолатлар турли кўринишдаги одам савдоси билан боғлиқ иллатларга қарши кураш чора-тадбирларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Ана шундай тадбирлардан бири аҳолини, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бандлиги билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишдир.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан ҳамкорликда хотин-қизларни ишга жойлаштириш шаклларини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказилди ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2008 йил 1 июнь ҳолатига кўра, бандликка кўмаклашувчи Марказ билан ҳамкорликда 786 нафар фуқаро шаҳардаги корхона ва ташкилотларга ўз иқтидорларига кўра ишга жойлаштирилди. Шундан 18-30 ёшгача бўлган ёшлар 450 нафарни ташкил этади. Бандлик дастурига асосан 2008 йилнинг биринчи ярмида 1471 та янги иш жойи яратилиши лозим эди, амалда 1 июнь ҳолатига 1543 та янги иш жойлари яратилди. 410 таси уй меҳнати, шундан касаначилик иш ўрни 294 тани ташкил этади.

Шаҳардаги 26 та маҳаллада хотин-қизлар учун уй меҳнатлари ташкил этилган. "У.Юсупов", "Грум", "Кимёгар", "Нурчи", "Қорабоғ", "8 март", "Чинниобод" маҳаллаларида жундан рўмол тикиш, "Улуғбек", "Чотқол", "Облик" маҳаллаларида бичиш-тикиш, гулчилик ва кўчат етиштириш, "Нурчи", "Лашкерек" маҳаллаларида сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик ишлари йўлга қўйилган.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига кўра, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайтирилди.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тадбиркорлик ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлиги, тинчлик-тотувлиги, дастурхонимиз тўкинлиги баробарида давлатимиз тараққиётининг гаровидир. Шунингдек, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳар ойда меҳнат ярмаркалари ўтказилади. Кам таъминланган, ногирон фарзандлари бор, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлар жалб этилган. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия аъзолари маҳаллаларда истиқомат қилаётган барча оилаларга алоҳида ташриф буюриб, оилавий муҳити билан яқиндан танишиб чиқди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кенг омма ўртасида амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш жиноятчиликнинг, шу жумладан, одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги иллатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ангрен шаҳар ҳудудий идоралараро комиссияси томонидан ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларнинг диний ва дунёвий билимларини оширишга кўмаклашиш, аҳолининг осойишталигини сақлаш мақсадида тарғиботчи ва назоратчи гуруҳлар тузилган бўлиб, жадвал асосида жойларда маърифий-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти педагогика институтида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, шаҳар бош имом хатиби, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида ўтказилди. "Ёшлар ва қонун" мавзуидаги ушбу йиғилишда институт ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди К.Юсупов **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маъруза қилди.

Одам савдосидан жабр кўрган фуқароларнинг ҳикояси, айниқса қабиҳ ниятли кимсаларнинг "чет элда катта пул тўланадиган иш" ваъдаларига учиб, қулликка сотилган 18 ёшли Р.Саломовнинг фожиавий тақдири барчани бирдай ҳушёрликка ундади.

Республикамизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури борасидаги муайян мақсадга йўналтирилган вазифаларни янада кучайтириш, ёшлар учун турли фойдали машғулот ва спорт тўгараклари ташкил этиб, жалб этиш ҳам одам савдоси билан боғлиқ иллатларнинг олдини олишда самарали усуллардан биридир. Соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзи ва юксак маънавиятгина фарзандларимиз камолоти ва тинчлигимиз барқарорлигининг кафолатидир.

Инсон ҳаёти, шаъни асосий қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ислом таълимоти бўйича ҳам олий неъматдирки, унинг қадр-қимматини таҳқирлаш энг катта жиноятдир. Шундай экан, бизнинг миллийлигимизга, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган турли кўринишдаги одам савдоси каби разолатга қарши кураш ҳар биримизнинг умуминсоний бурчимиздир.

Абдулла ЮНУСОВ,
Ангрен шаҳар ҳокими

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси барчангизни республикамиз
Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами билан
чин дилдан табриклайди. Сиз, азиз юртдошларимизга
тинчлик-хотиржамлик, оилангизга
фаровонлик ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги
ишларингизда куч-қувват тилаган
ҳолда "ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ" истеъмол кредитидан
фойдаланишни таклиф этади

БУНДА СИЗ – МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ, УЙ-ЖОЙ (ҲОВЛИ) ВА КВАРТИРАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, ДОРИ-ДАРМОНЛАР СОТИБ ОЛИШ ҲАМДА ДАВОЛАНИШ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН УЗОҚ МУДДАТ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ, ЎЗ ОИЛА ЭҲТИЁЖЛАРИНГИЗНИ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА ЧОРВА МОЛЛАРИ, ПАРРАНДА ВА УЛАР УЧУН ЕМ-ҲАШАК ХАРИД ҚИЛИШ ҲАМДА ОИЛАНГИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БОШҚА ИМКОНИЯТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛАСИЗ.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ
ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН
ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЕКТЕМИР ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини энг азиз, энг улуғ
айём - Истиқлол байрами билан
табриклаб, барча-барчанинг хонадонида
тинчлик-хотиржамлик, қут-барака,
тўкинлик бўлишини тилаб қолади

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Буюк донолар давлатнинг қудратини унинг жангчилари эмас, балки бунёдкор қурувчилари яратади деб ҳисоблашган. Зеро, бу фикрнинг замирида бунёдкорлик кўлами жамият камолотини белгиловчи омил эканлиги назарда тутилган.

ГЎЗАЛЛИК ВА МУКАММАЛЛИК

Мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилган қурилиш иншоотлари, янги ишлаб чиқариш корхоналари кишини хайратлантиради, фахр ва ғурур ҳислари билан қамрайди. Шу ўринда, турмушимизни замонавий, юқори сифат кўрсаткичига эга маҳсулотлар билан бойитиб бораётган пойтахтимиздаги "Тезинтом" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси юқоридаги мустақиллик иншоотлари тимсоли сифатида кўзга ташланади.

Босиб ўтилган даврда "Тезинтом" қўшма корхонаси ўзининг ишлаб чиқариш қуввати ва ҳажмини жадал кўтарди, маҳсулот турлари сонини ва сифатини оширди.

Бугунги кунда корхона дастлаб ишлаб чиқара бошлаган юпқа пўлатдан олинган том тунукалари, пардозловчи қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлардан ташқари, полимер қоплаш, нафис қуйма маҳсулотлар яратиш цехлари, шампун ва тозалаш юмушлари учун қўлланиладиган суюқ ҳолдаги турли воситалар ҳамда қурилиш бўёқлари ишлаб чиқарувчи цехларга ҳам эга. Шу йилнинг февраль ойида пластмасса дераза ва эшик ромлари ишлаб чиқарувчи цех ҳам ишга тушди.

Замонавий хориж ускуналарида ғарб технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган корхона маҳсулотлари юртимизнинг йирик қурилиш объектларида ва хусусий секторда кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Қўшма корхонанинг асосий мақсади — юқори сифатга эга, ўта пишиқ ва кўркам қурилиш моллари билан Ўзбекистон аҳолисининг қурилиш бозоридаги эҳтиёжини мукаммал қондиришдир. Бу йўлда ходимлар ўз вазифаларини бажаришга доимо шай.

Мустақиллик шарофати билан катта имкониятларга эга бўлган "Тезинтом" қўшма корхонаси аҳли барчани мамнуният билан Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами билан самимий қутлайди, Ватандошларимизга соғлиқ, ютуқлар, юртимизга абадий гуллаб-яшнашини тилайди.

"Тезинтом" қўшма корхонаси аҳли





SAVDOGAR BANK

Азиз юртдошлар!
Ўзбекистон — Германия
«Савдогар»

акциядорлик - тижорат банкининг Навоий вилояти филиали барчани Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан муборакбод этиб, миллий ва чет эл валютасидаги қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонатлар:

1. "Сармоядор". Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 18 фоиз ҳисобланади.

2. "Ёшлик". Сақланиш муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 17 фоиз.

3. "Оила даромади". Сақланиш муддати — 4 ой. Омонат бўйича йиллик 17 фоиз.

4. "Афзал". Сақланиш муддати — 30 кун. Омонат бўйича йиллик 16 фоиз.

5. Эгасининг номи кўрсатилмайдиган муддатли омонат. Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 18 фоиз.

6. "Хазина плюс". Сақланиш муддати — 1 йил. Омонат бўйича йиллик 16 фоиз.

7. "Яхши ният". Сақланиш муддати — 2 йил. Омонат бўйича йиллик 16 фоиз.

8. "Комфорт плюс". Сақланиш муддати — 3 йил. Омонат бўйича йиллик 16 фоиз.

Хорижий валютадаги омонатлар:

1. "Комфорт". Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 6 фоиз.

2. "Универсал". Сақланиш муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 6 фоиз.

3. "Элит". Сақланиш муддати — 12 ой. Омонат бўйича йиллик 7 фоиз.

4. Тақдим этувчига (Эгаси номи кўрсатилмайдиган муддатли омонат). Сақланиш муддати — 3 ойдан 1 йилгача. Омонат бўйича йиллик 6-7 фоиз.

Унутманг, "Савдогар" банки Сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Мурожаат учун манзил:
Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси-83. Тел.: (8436)224-33-91, 224-82-71.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СИРҒАЛИ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини озодлик ва ҳурлик айёми - Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан самимий қутлайди.

Азиз юртдошлар!
Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатингизда ғайрат-шижоат ва омад ҳамроҳ бўлсин



ШАҲАРЛАР БОҚИЙДИР,

ЎТМИШИ ФАХРЛИ, БУГУНИ ШАРАФЛИ, ЭРТАСИ

Оталаримиз кўз ўнгида бунёд бўлган, меҳнатимиз, меҳримиз билан гуллаб-яшнаётган Навоий шаҳри асрларга татигулик, авлодларга фахр билан қолдиргулик шарафга эга.

1958 йилнинг сентябрида биринчи пойдевори қўйилган шаҳарда 128 мингдан зиёд аҳоли, 80 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оиладек, қадрдон бўлиб яшайди.

Навоий шаҳри билан бир вақтда, яъни 1958 йилдан бошлаб, йирик саноат корхонаси - Навоий кон-металлургия комбинати ҳам иш бошлади. 1963 йилда Навоий ГРЭСи, 1964 йилда "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1971 йилда эса "Навоий электрокимё" заводи ҳамда Навоий цемент заводига асос солинди. Экспериментал фабрика, нон заводи ва бошқа қатор корхона ва ташкилотлар бирин-кетин фаолият кўрсата бошлади. Айнан саноат йўналишида 10 та корхона, 2 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Уларда 35 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Бу шаҳардаги иш билан банд аҳолининг 42 фоизини ташкил этади.

Ўтган йил якунига кўра, ана шу корхоналар томонидан солиштирма нархларда 408,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 338,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Бу рақамлар ортида иқтисодиётимиз ривожи ва халқимиз фаровонлиги мужассам. Шаҳарда бугунги кунда 1864 та хўжалик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 82,1 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Кейинги беш йилликда хорижий инвестициялар ҳисо-

МАҚСАДИ УЛУҒ КОРХОНА

"Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти Навоийдагина эмас, балки мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Дастлабки йилларда 4-5 та цехга эга бўлган мазкур саноат корхонасида бугунги кунда 100 дан ортиқ цех фаолият юритмоқда. Шундан 80 дан зиёди ишлаб чиқариш ва технологик цехлардан иборат. Хлор ва хлорли маҳсулотлар, аммиакли селитра, нитрон толаси, сирка кислотаси, суюқ хлор, каустик сода ва бошқа қатор ишлаб чиқариш цехларида амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга ортмоқда. Бу ерда 11 мингга яқин ишчи-хизматчи бир оила фарзандидек аҳил, эзгу орзу-ниятлар билан меҳнат қилмоқда.

"Навоийазот" 44 йиллик фаолияти давомида ўз мавқеи ва нуфузини республикамиздаги ҳамда хориждаги ҳамкорлари ўртасида мунтазам сақлаб келаётир. Шу боисдан ҳам дастлаб ҳудудни минерал ўғит билан таъминлаш мақсадида қурилган мазкур ишлаб чиқариш бирлашмаси бугунги кунда нафақат минерал ўғит, балки 100 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Дастлаб хомашё четдан келтирилган бўлса, кейинчалик ўзини-ўзи хомашё билан таъминлайдиган бўлди. Завод ичида завод барпо этилди. Катализатор цехини ҳеч муболағасиз шундай аташ мумкин. Корхонанинг Эрон, Туркия, Россия, Украина, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби бир қатор давлатлар билан ҳамкорлиги маҳсулот экспорти кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Халқаро сертификатга эга корхонанинг маҳсулотларига талаб ҳамиша катта. "Навоийазот"да ҳар йили 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ютуқлар гарови замонга ҳамнафас бўлиш, давр руҳига мос қадам ташлаш баробарида аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, "ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" деган тамойилга амал қилинганлигидадир. Чунки жамоада "Корхона - менинг иккинчи уйим" деган туйғу, соғлом муҳит шаклланган.

"Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади", дея таъкидлаган эди Президентимиз. Дарҳақиқат, шундай.

Ишчиларга яратилаётган яхши иш ва яшаш шароитлари ютуқлар давомийлигини таъминламоқда.

Жумладан, корхона профилакторий-санаторийсида бир йўла 120 киши ўз саломатлигини тиклаши мумкин. Бу ерда республикада сув билан даволаш ва соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Балчиқ билан ва гидрокомплекс даволаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Кимёгарлар спорт мажмуасида 10 дан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш имкони бор. Фахрийлар ва пенсионерлар ҳамиша эъзозда. Жамоада аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Оналик бахтига муяссар бўлган ишчиларга болалар аравачаси совға қилиш анъанаси мавжуд.

— Юртбошимиз томонидан 2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинди. Бу йилнинг масъулияти "Навоийазот" учун беҳад шарафли ва залворли. Чунки бу ерда 3000 га яқин ёшлар меҳнат қилмоқда, - дейди корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов. — 30 ёшгача бўлган ишчиларимиздан 227 та ёш оила жамоамизда ишлайдик. Энг аввало, ана шундай оилавий ишчи ёшларимизга кредит олиш учун банкка йўлланма берилишини йўлга қўйганмиз. Корхона томонидан кредит олиш учун кафолат хати берилиши ёшларга ишонч ва қанотдир.

Бундан ташқари, корхонанинг хайр-саховатда, меҳр-мурувватда ўрнак олса арзийдиган ибратли жиҳатлари бисёр. Нафақат ўз ишчи-ходимлари, балки вилоятимизнинг турли бурчакларида ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига, меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига доимий ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар ана шундай ибрат намунасидир.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Республикамиз ҳудудида алоқа ва компьютер технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими даргоҳлари сонининг йилдан-йилга ортаётганлиги ахборотлаштириш тизимидаги катта инқилоб натижаси эканлигининг ёрқин далолатидир.

АХБОРОТ ТЕРАНЛИКЛАРИ САРИ

Навоий компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи вилоятда ушбу йўналишдаги таълим масканларининг қалдирғочи бўлса ҳам истиқлол йилларида қурилган замонавий зиё масканларининг кенжаси ҳисобланади.

Замонавий меъморчилик андазалари асосида қурилган коллежимизда 860 нафар йигит-қиз Информатика ва ахборот технологияси ҳамда иқтисодиёт йўналишлари бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

Тараққиёт шитоб билан илгарилаб бораётган ҳозирги даврда ҳар қандай соҳада ҳам халқаро алоқаларнинг яхши йўлга қўйилиши улкан самара келтириши шубҳасиз. Чунки айнан шу йўл билан жаҳондаги энг илғор, замонавий тажрибалар, янгиликлардан бохабар бўлиш, улардан амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин. Янги йўналишдаги ўқув даргоҳи замон талабига мос мутахассис тайёрлаш, моддий базани мустаҳкамлаш учун дастлабки ўқув йилидаёқ "Ахборот коммуникацион технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш" Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳаси таркибига киритилди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Германия Техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Германия Тараққиёт банки саъй-ҳаракатлари билан 5 та ўқув лаборатория ва устахоналари ташкил этилиб, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. Мазкур лойиҳа бўйича 1-2 курс талабаларидан 251 нафари таълим олмоқда. Ушбу замонавий лаборатория хоналари 3244,0 минг евро миқдоридаги жиҳозлар билан таъминланганлиги янги аср авлоди учун янги орзуниятлар, юксак интилишлар ва катта имкониятлар эшигини очишга хизмат қилмоқда.

Педагоглар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари, ўқув услубий қўлланмалар ёзиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Бу борада Тошкент Ахборот технологиялари университети, вилоятимиздаги Кончилик ҳамда Педагогика институтлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан коллежда Ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, марказ етарли замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Унда Босма адабиётлар ва Электрон ахборот-ресурслари бўлимлари мавжуд бўлиб, 8112 нусхадаги адабиётлар талабалар ихтиёрида.

Ўқув юртида 17 та тўгарак мавжуд бўлиб, 9 таси умумтаълим, 5 таси махсус фанлар, 4 таси спорт тўгаракларидир. Мазкур тўгаракларга коллежнинг 70 фоиз талабалари жалб қилинган. Яқинда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида коллежнинг 4 нафар ўқувчиси иштирок этиб, сузиш бўйича кумуш ва бронза медалини қўлга киритди. Совриндорлар Рафаэль Бегишев, Юрий Антонов, Маҳбуба Шарапова ва Соҳиб Султоновларнинг бундай ютуғи нафақат коллежда, балки бутун вилоятда байрамга айланди.

Кўриниб турибдики, ёшлар Юртбошимиз фахр билан таъкидлаган "Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин", деган сўзларига муносиб эканликларини амалда исботламоқдалар.

Феруза ИДИЕВА,
Навоий компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи директори

УМР ЎТКИНЧИ...

НУРАФШОН НАВОИЙ ШАҲРИ

бига ишга туширилган "Навоий ҒСК" МЧЖ, "Гипсакартон" ХФ, "Нестор" ҚК, "Селикатинвест" МЧЖ каби юзлаб хусусий корхона, акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар ташкил этилганлиги юксалиш поғоналари бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий ва замонавий типда қурилган 5 та бозор, 179 та спорт иншооти, 13 та кутубхона ва ахборот ресурс марказлари

халқ хизматида. Янги маъмурий ва маиший бинолар, колледж ва лицейлар, мактаб ва шифохоналар дурдона шаҳарга янги кўрк бахш этмоқда.

Бу навқирон заминда Юртбошимиз ташаббуси билан улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг 560 йиллик тўйи кенг нишонланди. Шаҳарда ҳазрат Навоийнинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Ҳайкалнинг очилиш маросимида муҳтарам Юртбошимиз иштирок этдилар.

Бобокалонимиз шарафига сўлим боғ бунёд этилди. Шаҳарнинг гул кўкармаган, чаманзорга айланмаган гўшаси қолмади. Бугун саҳродаги чаманзорга қараб кўз тўймайди. Бу шаҳарни бир кўрган одам уни соғиниб яшайди, унга интилади.

Бугун бебаҳо шаҳар байрам оғушида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 июлдаги "Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан бу сана мустақил мамлакатимиз миқёсида байрам қилинадиган бўлди.

Юбилей муносабати билан кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар тарихини ўзида акс эттирган китоб альбом, конверт ва маркалар, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳужжатли фильм тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ёш оилалар учун қуриб битказилган 48 ўринли кўп қаватли турар-жой биноси, "Умид" қўрғонидаги 624 ўқувчига мўлжалланган янги мактабнинг фойдаланишга топширилишидек ўнлаб қўшалоқ совғалар қўшалоқ байрамларга муносиб туҳфа бўлиб турибди.

Дўстлик ва қардошлик рамзи бўлган тунлари бедор шаҳарнинг ҳар қадами қутлуғ. Шарафи, шуҳрати мангуликка дахлдор. Зеро, шоир айтмоқчи: "Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи..."

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Азиз Ватандошлар!

Барчангизни эркин ва
озод яшаш, обод ва фаровон
келажак барпо этиш имконини
берган Истиқлолимизнинг
17 йиллик тантанаси
билан қутлаймиз.
Диёримизнинг одимлари
бунданда шаҳдам,
фарзандларимизнинг
истиқболи янада
нурли ва саодатли бўлсин!

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ



УРГАНЧ САНОАТ-ТРАНСПОРТ
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ

Сиз азизларни юртимизнинг муқаддас
байрами - Истиқлолнинг 17 йиллиги
билан самимий муборакбод этади!

Барчангизга
сиҳат-саломатлик,
фаровон ҳаёт,
юртимизга осойишталик
ва камолот тилайди.

Ёшлар йилида эртанги кунимиз
эгалари - ўғил-қизларимизга
омад кулиб боқсин, бахту-саодат,
илму-маърифат машъали уларнинг
доимий ҳамроҳи бўлсин!

Навоий шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан асосий эътибор шаҳардаги ўзини-ўзи бошқариш органларида маҳалла фаолиятининг ваколатларини кенгайтиришга ва масъулиятини оширишга, маҳалланинг моддий базасини мустаҳкамлашга, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишга, маҳалла аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ МУНАВВАР

Истиқлол йилларида кўп миллатли шаҳримизда мавжуд 30 та маҳалла фуқаролар йиғини янги давр руҳига мос ўзгаришларга юз бурди. Замонавий гузарлар қад ростлади. Шаҳардаги "Хончарвоқ" ва "Бунёдкор" маҳаллалари бинолари фойдаланишга топширилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан қонунлар ижросини таъминлаш, амалдаги меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи деҳқон фермер хўжалигида чорва молларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Хончарвоқ", "Тинчлик", "Гулистон", "Ҳаёт", "Истиқлол", "Янгиариқ" маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда қорамол боқишга шароити бўлган, кам таъминланган, кўп болали оилалар аниқланиб, уларга қорамол олиб берилди. Шунингдек, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, ёлғиз пенсионерларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Маълумки, маҳалла фаолиятининг асосий мезонларидан бири маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни жонлантиришдан иборат. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш алоҳида аҳамият касб этишини ҳис этган ҳолда Президентимизнинг 2006 йил 23 августдаги "Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори асосида барча маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир фуқаро Ватан остонадан бошланишини, Ватан остонаси эса маҳалламиз эканлигини, уни асраб-авайлаш, гуллаб-яшнаши учун, тинчлиги, осойишталиги учун дахлдор эканлигини яхши англайди.

Маҳаллада спортни ривожлантириш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. "Футболимиз келажаги", "Биз соғлом ва кучли оила", "Маҳалламиз паҳлавонлари" спорт мусобақалари фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун замин яратмоқда.

"Истиқлол", "Орзу", "Гулзор", "Олтин водий" маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари спорт мусобақаларида ғолибликни қўлдан бермаётир.

Шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш асосан маҳалла аҳлининг асосий вазифаларидан бири. Ҳар бир эзгу ишимизда эзгу мақсад мужассам. Истиқлолимизнинг 17 йиллик шодиёнасига уланиб кетган гўзал шаҳримизнинг ярим асрлик тантанасини маҳаллалар ва кўнгиллар ободлиги муштарак ҳолда қарши олаяпмиз. Барча маҳалладошларимизга қутлуғ байрам муборак бўлсин!

Рамазон РАҲМОНОВ,
Навоий шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши
ва "Маҳалла" жамғармаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки жамоаси



ватандошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий қутлайди. Барчага тинчлик-омонлик, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги кенг қиррали фаолиятингизда омадлар тилаб миллий валютадаги «Ёзги» омонатига пул маблағларини қабул қилиш 2008 йил 1 сентябргача, «Баҳорги» омонатига 2008 йил 1 октябргача ва «Кўклам» омонатига 2008 йил 1 декабргача тикланганлигини маълум қилади.

Омонатлар бўйича сақлаш муддати тегишлича 45 кун, 3 ва 6 ой. Фоиз ставкалари йиллик 17 ва 18 фоиз.

Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишонганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!

Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

«Муборакнетгаз» УШК Корхонадаги 20 нафар ёш оилага "Ёшлар йили" муносабати билан 4 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар берилди. Корхонада кам таъминланган 50 нафар ишчи-хизматчи фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига янги омонат дафтарчалари очилиб, унга 20 минг сўмдан маблағ қўйилди, ҳамда қимматбаҳо совғалар улашилди.

Корхонанинг собиқ 5 нафар нафақадаги ходимимга ногиронлик аравачалари олиб берилди.

Ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, пойафзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Меҳнат ва техника хавфсизлиги мақсадлари учун жорий йилда 2.126.700.000 сўмлик маблағ ажратилди. Шундан 1.973.900.000 сўми жамоа шартномасида назарда тутилган тадбирларга, шахсий ҳимоя воситаларига эса (махсус кийим-бош, махсус пойафзал ва ҳ.к) 194.681.313 сўм ажратилди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг мазмунли хордиқ чиқариши, саломатлигини тиклаш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 400 дан зиёд ишчи-хизматчиларимиз соғлиқларини тиклашлари учун республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга 175.000.000 сўм пул маблағлари ажратилди. 32 нафар ишчи-хизматчимизнинг даволанишлари учун 9.800.000 сўм ажратилди.

Ишчи-хизматчиларимиз фарзандларининг дам олишлари масалаларига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Китоб туманида жойлашган корхонага қарашли "Ёш алангачи" болалар оромгоҳида ишчи-ходимларимизнинг 2300 нафар фарзанди дам олиб қайтди. Бунинг учун 450.000.000 сўм ажратилди. Оромгоҳда ёз гаштидан баҳраманд бўлган 120 нафар бола корхона оталиғидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

Китоб туманидаги бу Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун замонавий жиҳозланган ҳаммом ҳамда эҳтиёж бинолари қуриб берилди. Бу ерда сув муаммосини ҳал қилиш мақсадида артезиан қудуқ қазиб, ишга топширилди.

Шу йилнинг ўзида унга 6,5 миллион сўмлик жиҳозлар ажратилди. Тарбияланувчиларнинг ҳар бирига 100.000 сўм ҳисобидан омонат дафтарчалари жорий қилинди. 1 июнь - Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан уларнинг ҳар бирига 50.000 сўмлик кийим-кечаклар ҳадя қилинди.

Касаба уюшма қўмитаси корхонада жисмоний тарбия ва спорт ишлари ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Корхонанинг барча ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг соғлиқларини тиклашлари, ишдан бўш вақтларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш мақсадида жойлардаги мавжуд спорт майдончалари таъмирланиб, кераклі спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Барча кон ва цехларда спортнинг футбол, волейбол, шахмат, шашка, миллий кураш мусобақалари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Шароф РАҲМАТОВ,
"Муборакнефтгаз" УШК касаба уюшма қўмитаси раиси

МУСТАҚИЛЛИК БИЛАН ТЕНГДОШ

Муборак туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби мустақиллик билан тенгдош маскан ҳисобланади. Илмий педагогик салоҳияти юқори масканимизда жами 48 нафар ўқитувчи ёшларга сабоқ беради. Уларнинг асосий қисми тоифали ва малакали ўқитувчилардир. Мактаб мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, унда 500 дан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.



Жамоамиз энг намунали мактаб, энг обод таълим маскани, йил мактаби кўрик-танловларида фаол иштирок этиб келаяпти. 11 та спорт, 20 та фан тўгаракларига ёшлар жалб этилган. Вилоят Халқ таълими бошқармаси ўтказган "Ижодкор ўқитувчи-2008" кўрик-танловида бошланғич синф ўқитувчиси Ўткир Даминов иштирок этиб, фахрли ўринни олди. Унинг "Саҳар сайраган булбул" китоби нашрдан чиқди. Ўқитувчиларимиз Фарҳод Каримов, Мафтум Ҳалимов, Зокир Рустамов, Баҳриддин Суюнов, Шодиёр Шобердиевлар ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда ибрат кўрсатишмоқда.

Устозлар изидан борган 9-синф ўқувчиси Шоҳиста Камолова фан олимпиадасининг вилоят босқичида биология фанидан 1-ўринни эгаллади. Ўқувчиларимиз Ҳуснора Пирназарова она тили ва адабиёт, Орзигул Турсунова рус тили, Умид Ҳайдаров математика, Дилафрўз Алланазарова давлат ҳуқуқ асослари фанларидан фан олимпиадасининг II ва III босқич турларида фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Жумақул ҲАКИМОВ,
Муборак туманидаги 10-сонли мактаб директори

Таълим муассасалари фаолиятининг узвий қисмларидан бири ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳисобланади. Зотан, ўқувчининг онгли қарор қабул қилиши, ўз имкониятларини тўғри йўналтириши ва шунга кўра, муайян касбни танлаши катта ҳаёт остонасида турган ёшларнинг келажаги учун жуда муҳимдир.

КОЛЛЕЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

ўқувчи ёшларнинг касб танлашларида қўл келаётир



Мактабимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимга изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва Психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага асосан мактабда 8 кишидан иборат комиссия фаолият кўрсатмоқда. Мазкур комиссия 9-синф битирувчилари ўртасида уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга мойилликларини аниқлаш бўйича педагогик-психологик тестлар ўтказаяпти.

Ҳудудимизда Муборак ижтимоий-иқтисодиёт, саноат коллежи жойлашган. Ушбу коллеж педагогик жамоаси билан мактабимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шунга кўра, коллеж ўқитувчилари мактабга таклиф қилиниб, битирувчи ёшлар билан суҳбатлар, мулоқотлар ўтказишмоқда. Қолаверса, ўқувчиларимиз коллежга саёҳатлар уюштириб, илм маскани ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар.

Таълим-тарбияда ташаббускорлик муҳим омил ҳисобланади. Ғофур Аҳмедов, Тўхтамурод Шарипов, Тошпўлат Ҳамдамов, Садин Ибрагимов, Исроил Боймирзаев сингари педагогларимизнинг фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир.

Тўлқин БЎРИЕВ,
Муборак туманидаги 12-сонли мактаб директори

НИҲОЛЛАР БЎЙ ЧЎЗСИН

Малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлол йилларида таълим соҳасида ислоҳотлар олиб борилди ва бу ўз самарасини бера бошлади. Янгидан бунёд этилган ёки капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлган билим даргоҳлари билан шаҳару қишлоқларимиз тобора чирой очиб бормоқда.

Улардаги таълим-тарбия жараёнлари ҳам шунга яраша ижобий томонга ўзгараётир. Айниқса, ёш авлоднинг касб-ҳунарли бўлиши масаласига катта эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда билим даргоҳимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, янги йўналишларнинг ташкил этилиши, амалиёт хоналарининг зарур асбоб-ускуналар, ўқув лаборатория анжомлари билан таъминланиши, айниқса, кутубхона тизими ўрнига ахборот ресурс марказининг вужудга келиши бунинг ёрқин исботидир.

1980 йилда ташкил этилган Муборак индустрия техникумига 1995 йилга келиб Муборак техника-иқтисодиёт коллежи мақоми берилди. 2000 йилда касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Ҳозир бу ерда нефть ва газни қайта ишлаш, назорат-ўлчаш асбоблари, молия, ҳуқуқшунослик, тикувчилик ишлари, ЭҲМда ишлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспортда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш каби йўналишлар бўйича 1300 нафар талабага сабоқ берилмоқда. Уларга 70 нафар тажрибали педагог-муҳандис таълим бериб келишмоқда.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ўз мутахассисликлари бўйича ўқиш билан бирга компьютер сабоқларини ҳам мукаммал ўрганишмоқда. Замон талабларига жавоб берадиган ўқув-лаборатория хоналарида эса ўрганганларини синовдан ўтказишади. Тикувчилик йўналиши бўйича таҳсил оладиган ёшлар учун ҳам дарслар амалиёт билан биргаликда олиб борилади.

Талабалар коллежимиздаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, турли тадбирларда фан олимпиадаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари ёшлар ихтиёрига берилган. Кўпчилик талабаларимиз "Қувноқлар ва зукколар" клубига аъзо бўлишган. Коллежда маркетинг хизмати намунали йўлга қўйилган. 480 нафар талаба ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билимлари мустаҳкам бўлишида Рўзиқул Сиддиқов, Алишер Аҳмедов, Фароғат Ҳамроева, Ёқутой Жумаева, Муқаддам Бобирова, Ғайрат Абдуллаев, Шойназар Бегматов сингари жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлаётир.

Ўқувчиларнинг кўп вақти билим даргоҳида ўтади. Уларнинг бўш вақтини унумли ташкиллаштириш мақсадида ёшлар билан ишдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар режаси пухта ишлаб чиқилган. 17 та фан, 5 та спорт тўгарагимиз ишлаб турибди. Боғбон умид билан ниҳол экади, парваришлайди, кун келиб меҳнатига яраша кутилган ҳосилни олади. Таълим-тарбия жараёни ҳам қандайдир маънода боғбоннинг ишига ўхшаб кетади. Бизнинг ниҳолларимиз ҳам ўз меваларини беради, албатта.

Чори МАҲАДОВ,
Муборак саноат касб-ҳунар коллежи директори

Акциядорлик-тижорат «ПАХТА БАНК» жамоаси

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини

республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами

билан сидқидилдан қутлайди.

Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга файз-барака, яхшиликлар ато этсин.
Юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин, мамлакатимиз янада гуллаб яшнайверсин!

Сиз азизларга соғлик, оилавий бахт,
эзгу ишларингизда улкан омадлар тилаймиз.

РАВОН ЙЎЛЛАРДАН ЮРИНГ!

"Қашқадарёавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти ҳамда жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жами 3454 километр узунликдаги (халқаро аҳамиятдаги - 411 километр, давлат аҳамиятидаги - 1473 километр, вилоят аҳамиятидаги - 1102 километр, маҳаллий аҳамиятдаги - 468 километр) автомобиль йўлларига хизмат кўрсатади.

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 1570 километр умумфойдаланув автомобиль йўлларига хизмат кўрсатиш ҳам бизнинг зиммамизда.

Шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Жумладан, жами 1000 дона ҳар хил мевали дарахтлар, 5000 дона манзарали кўчатларни экиб, парвариш қилаяпмиз. Кўкаламзорлаштириш ишларига қилинган харажат 14 миллион 700 минг сўмни ташкил этди.

Ташкилот ярим йилликда 914 миллион 712 минг сўмлик жорий сақлаш, қишки қаров ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажарди. Ўрта таъмирлаш ишларини 108 миллион 754 минг 600 сўм ўрнига 218 миллион 186 минг 800 сўмлик қилиб бажарилди, бу эса ярим йиллик режага нисбатан қарийб икки баробардан ортиқ фоизни ташкил қилади.

"Қашқадарёавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти таъмирлаш ишларини бажариш учун "Жарқўрғон" нефтни қайта ишлаш заводидан ярим йилликда 2000 тоннага яқин битум олди. Корхонага қарашли ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарида 600 тонна ўрнига 673 тонна асфальтбетон, 300 тонна ўрнига 330 тонна қора қоришма, 3 тонна ўрнига 3,2 тонна оҳак, 1 минг м3 ўрнига 1,07 минг м3 шағал, 0,9минг м3 ўрнига 0,97 минг м3 қум ишлаб чиқарилди.

Ташкилот 2007-2010 йилларга мўлжалланган йўл қурилишини ривожлантириш режа дастури асосида иш олиб бормоқда. Вилоят йўлсозлари йиллик режаларини ортиғи билан бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар.

Камол МАҲКАМОВ,
"Қашқадарёавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори

КОСОН ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ТУМАН ПУДРАТ-ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини Мустақиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Барчага фаровон ҳаёт, юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди. Биз қураётган йўллар, кўприклар келажак авлодни тараққиёт сари бошлайверсин.

Йўлингиз доимо бехатар бўлсин!

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Қашқадарё вилояти энергетикаси республика энергетика тизимидаги энг йирик халқалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 405 мингга яқин истеъмолчига хизмат кўрсатаяпмиз.

Шуларнинг 385 минг 100 нафари аҳоли хонадонларини ташкил этади. Уларга 165 та юқори кучланишли подстанциялар, 22,7 километр электр узатиш тармоқлари ва 8 мингта трансформатор пунктлари орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Истеъмолчиларимизга етказиб бераётган электр қувватининг йиллик миқдори 4,6 миллиард киловатт-соат бўлиб, у пулга айлантирилганда 198,94 миллиард сўмни ташкил қилади. Шунинг 43,74 миллиард сўмдан кўпроғи аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 511 ва 512-сонли қарорлари ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, истеъмолчиларга АСКУЭ тизими орқали бошқариладиган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари бошланди. Ҳозирда ушбу ҳисоблагичлар Кўкдумалоқ, Ҳавзак линияларига ўрнатилди, Яккабоғ-1, 2-линияларига ҳам ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Биргина 2007 йилда 39 та трансформатор пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 37 дона трансформатор подстанцияси суғориш насосларини ишга тушириш учун ўрнатилди. Чироқчи туманидаги Пахтаобод қишлоқ аҳолиси учун ҳам электр узатиш тармоқлари қурилди ва доимий электр энергия билан таъминланди. "Ёшлар йили"да эса Нишон туманидаги ёш оилалардан ташкил топган Янгиобод маҳалласига, Нуристон посёлкасидаги янги маҳаллага трансформатор пункти қуриб берилди. Деҳқонобод туманида ишга тушиши режалаштирилаётган калий ўғитлари заводининг ташқи электр таъминоти бўйича қурилиш ишларини давом эттираяпмиз. Жумладан, 2,7 километр узунликдаги 110 киловатт кучланишли иккита ҳаво линияси ва битта нимстанция қурилди.



Ҳозирги кунда аҳолига ўрнатилган электрон ҳисоблагичлар сони 54 минг 326 тага етди. Қарздорликни бартараф қилиш, истеъмолчиларга узлуксиз электр энергия етказиб бериш бўйича мақсадли тадбирлар ишлаб чиқилган.

Зафар БОЛТАЕВ,
"Қашқадарё электр тармоқлари" ОАЖ раиси

АТ «Пахта банк»

Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоаси

энг улуғ ва энг азиз айём - Мустақиллик куни байрами билан барчангизни самимий қутлайди. Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ҳеч қачон тарк этмасин!

БАНК МИЖОЗ УЧУН

"Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган ибора биз банк ходимлари учун шунчаки шиор эмас, балки кундалик иш услубимизга айланиб қолди.

Республикамизда фаолият юритаётган барча молия муассасалари бутун имкониятларини мижоз манфаатларига йўналтирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги Фармон ва қарорлари фаолиятимизда дастуриламал бўлаётир.

АТ "Пахтабанк" Муғлон филиали 1809 та фермер хўжалиги, тадбиркорлар, саноат ва қурилиш ташкилотларига намунали ва сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун 4 миллиард 856 миллион сўм пахта кредити, 1 миллиард 365 миллион ғалла учун кредит ажратилди.

"Ёшлар йили" муносабати билан ёш оилаларга 43 миллион 600 сўм, савдо ташкилотларига 162 миллион сўм, аҳолига чорва моллари сотиб олиш учун 12 миллион 700 сўм, кам таъминланган оилаларга 3 миллион 800 сўм, фермерларга "Класс-Доминатор" комбайн сотиб олиш учун 292 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бугунги кунда банкнинг 10 га яқин шохобчаси мавжуд бўлиб, улар аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. "Банк мижоз учун" шиорига амал қилиб, филиалимизда янги хизмат турларини жорий этиш орқали аҳолига қулайликлар яратишга ҳаракат қилинаяпти.

Шуҳрат АҲМЕДОВ,
АТ "Пахтабанк" Муғлон филиали бошқарувчиси

Хурматли юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "АСАКА" БАНКИ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан самимий табриклайди. Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик ва мустақиллигимиз мангу бўлишини тилайди.

Шу билан бирга Сизларга 27 та миллий ва 17 та хорижий валютада омонат турларини таклиф этади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақлашниши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёримизда!
- миқдори чекланмаган!



Омонатларни "Асака" банкнинг барча филиалларида очишингиз мумкин. "Асака" банки сармоянгиз сақланишини кафолатлайди.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 120-39-81, 120-39-63.

Хизматлар лицензияланган.

ҲАМЖИҲАТЛИК

Олтиариқ вагонларни буғлаб ювиш корхонаси фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда

Одатда темир йўлларни мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томирига қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, темир йўл хизмати у хоҳ юк, хоҳ йўловчи ташиш бўлсин, ўзининг қулай, хавфсиз ва арзонлиги билан бошқа транспорт хизматларидан ажралиб туради.

Маълумки, темир йўл транспортининг асосий вазифаларидан бири халқ хўжалиги учун зарур бўлган суюқ нефть ҳамда кимёвий юкларни тўлиқ ва ўз вақтида ташиб беришдир. Нефть ва нефть маҳсулотларини ташишда эса вагонларни маҳсулот қуйиш учун ўз вақтида, сифатли тайёрлаш катта аҳамиятга эга. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Қўқон минтақавий узелига қарашли Олтиариқ вагонларни буғлаб ювиш корхонаси ўз зиммасидаги ана шу вазифаларни бекаму-кўст уддалаб келаётган жамоалардан биридир.

Ушбу корхона бундан 60 йил муқаддам, яъни 1948 йилда ишга туширилган. Ўшанда иккита йўлак (эстакада) қурилиб, фойдаланишга топширилган ва бир кеча-кундузда бор-йўғи 28 — 30 та вагон ювилган холос. Кейинчалик нефть маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши туфайли унинг фаолияти ҳам кенгайтирилди. Аниқроғи, 1982 йилда учинчи, 2005 йилда эса тўртинчи йўлаклар қуриб битказилди.

— Айни пайтда корхонамиз бир кеча-кундузда 300 та вагонни буғлаб ювиш қувватига эга. Биз асосан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва унинг Олтиариқ ёқилғи қуйиш бўлими (собиқ Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи), "Ангрен-Поп" терминаллардан фойдаланиш дирекцияси ҳамда бошқа ҳамкорларга хизмат кўрсатамиз. Уларга қулайлик яратиш мақсадида заводнинг ўзида ва Попдаги терминалда ҳам иш ташкил қилганмиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Миллажонов. — Вагонлар шу қадар тоза ювиладики, ҳатто нефть ва нефть маҳсулоти ташилган вагонга кейин ўсимлик мойи ёхуд ичимлик суви ҳам қуйиш мумкин.

Бугун корхонада битта асосий ва иккита ёрдамчи цех мавжуд бўлиб, булар вагонларни буғлаб ювиш, механика ҳамда чилангарлар цехларидир. Асосий цехда иш 5 гуруҳда ташкил қилинган. Улардан тўрттаси ишлаганда битта гуруҳ дам олади. Корхона ҳудудида ўзаро алоқа компьютерлаштирилган. Иш сифатини ошириш мақсадида бу йил 1-насос бўлимидаги 30 тонналик сув вагонлари 60 тонналигига алмаштирилди. Натижада иссиқ ва совуқ сувнинг узлуксизлиги таъминланди. Бундан ташқари қуритиш мосламалари жорий таъмирдан чиқарилди, чиқиндиларни юклаш учун махсус жой ҳам тайёрланди.

Технологик жараён — асосий мезон

Корхона жамоасига вагонларни нефть ва нефть маҳсулотлари қуйиш учун ўз вақтида, сифатли тайёрлашда юқори талаблар қўйилган. Бу эса технологик жараённинг тўлақонли амалга оширилишига боғлиқ.

Аввало иш бошлашдан олдин ҳар бир вагон ювувчи тиббий кўрик ва техника хавфсизлиги йўриқномасидан ўтиб, махсус кийим-бош ҳамда сақлаш анжомларини олади. Эстакадага чиққач вагон ювувчиларнинг бири вагон қувирининг шамол эсувчи томонига ўрнашиб, вагон қопқоғини очади. Иккинчиси эса пастки тўкиш асбобининг мосламасини бўшатади. Сўнг шлангли нафас олиш асбоби кўздан кечирилиб, унинг вакутқарув арқонининг учки қисмлари вагоннинг ташқи нарвонларига ёки майдончаларининг тўсиқларига қотирилади. Борди-ю, компрессор йўқ бўлса, нафас олиш шлангининг учки қисми очиқ ҳаво оқими томонга йўналган бўлиши лозим. Компрессор ишлаган ҳолда тоза ҳаво келувчи қурилмага нафас олиш шланги уланиб, ёритгич, курак пол ювгич билан вагон ичига тушилади. Вагон ичида ювувчи курак ва пол ювгич ёрдамида тўкиш ускунаси туйнугигача маҳсулот қолдиғини ҳайдаб келади. Бу эса маҳсулотнинг тезлик билан тўкилишини таъминлайди. Қолдиқлар тушиарқонининг ҳолатини назорат қилиб, ичкаридан берилади-ган буйруқларни бажариб туриши шарт.

Вагон қувирини буғлаш бугнинг "08-01 МПА" босими остида амалга оширилади. Бундан мақсад маҳсулот қолдиғининг оқувчанлигини ошириш, унинг вагондан чиқиб кетишини тезлатишдир. Буғлаш вақтида буғ ва газларни қувир ичидан чиқиб кетиши учун вагон қопқоғи сал очиқ ҳолатда беркитилади. Чунки буғнинг сарфини камайтириш лозим.

Қишки мавсумда қувир ичидаги нефть маҳсулоти қолдиги совуқ ҳарорат туфайли музлаб қолади. Шунда қувирни буғлаш берк ҳолатда амалга оширилади. Вагон бироз қизиганда тўпланган буғ конденсати ва қувир деворларидан оқиб тушган маҳсулот қолдиқлари буғланишни секинлатади. Пастки тўкиш ускунаси бўлмаган вагонларни буғлашда эса қувир ичида тўпланиб қолган буғ конденсати ва қолдиқни вакум ёрдамида олиб туриш лозим. Буғлаш вақтининг давом этиши вагон ичидаги нефть маҳсулотининг қуюқлиги, ҳажми, ҳаво ҳарорати ва буғлашдан сўнг бажарилувчи технологик операцияларга боғлиқ. Вагон қувирининг 25-30 дақиқа давомида 70 даража атрофида қизиганлиги буғлаш жараёнининг ниҳояланганлигини англатади. Пастки тўкиш ускунаси мавжуд бўлган вагонларда эса остки тўкиш ускунасидан тоза конденсатнинг тўкилиши буғлаш жараёнининг тугаганлигини билдиради. Буғлаш тугагандан сўнг буғ винтели беркитилиб, қопқоқ очилади.

Вагон ювувчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш мақсадида буғнинг қувирга узатилиши металл шарнирли буғ узатгич ёрдамида амалга оширилади. Ишдан ташқари вақтда силжиб кетмаслиги учун шарнирли буғ узатмалари маҳкамлаб қўйилиши зарур. Буғлаш охирлагандан кейин ваакум ҳосил бўлиб вагон қувирига зарар етмаслиги учун токи қувир тўлиқ совимагунча қопқоқни зичлаб беркитиш тақиқланади.

Вагонларни нефть маҳсулотлари қуйиш учун тайёрлаш "ГОСТ 1510-84" талабларига асосланади. Уларни маҳсулот қуйишга тайёрлаш учун жўнатилаётганда тўкилган нефть маҳсулотининг номи ёзилган ҳужжат ҳам бўлиши лозим. Акс ҳолда, тўкилган маҳсулот номи вагон ичидаги қолдиқни лаборатория синовидан ўтказиш орқали аниқланади. Ана шу ҳужжат бўлмаган вагонни авиаёнилғи ёки авиамойи қуйиш учун тайёрлаш ман этилади.

Манфаатдорлик ва эътибор — муваффақиятлар омили

Корхонада ўтган 2007 йилда 27672 та, 2008 йилнинг 6 ойида эса 28103 та вагон ювилди ва олинган даромад ҳам шунга яраша бўлди. Яъни, ўтган йили жамоа 1 миллиард 247 миллион 446 минг сўмлик даромад билан йилни якунлаган бўлса, жорий йилнинг ярмида бу кўрсаткич 676 миллион 705 минг сўмга етди.

Албатта, бундай кўзни қувонтириб, кўнгилни тўлдирадиган муваффақиятга ўзўзидан эришилгани йўқ. Бу ишчи ходимларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг самарасидир.

Корхонада ишчилар учун бепул иссиқ овкат ташкил қилинган. Қолаверса, улар иш ўрнига қараб сут ва сут маҳсулотлари билан ҳам таъминланади. Ювиниш ва дам олиш хоналари ҳамда маърифат зали ишчилар ихтиёрида. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 250- 300 минг сўмдан иборат бўляпти.

— Ҳар куни ишчиларнинг қон босими, тана ҳароратини ўлчаб, кўрикдан ўтказамиз. Бундан ташқари, тепловоз машинистлар ва "Олтиариқ" темир йўл бекати ходимларига ҳам биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади, — дейди корхонанинг тиббий-фелдшерлик пункти ҳамшираси Наргиза Эрназарова.

Шунингдек, ҳар бир ишчи лозим бўлган пайтда "Чимён", "Назарбек" темир йўлчилар оромгоҳлари, Тошкент соғломлаштириш маркази ва Қўқон минтақавий темир йўл узелининг бирлашган шифохонасида ўз соғлиғини тиклаши мумкин. Бу йил 19 нафар ходим ана шу муассасаларга жўнатилди. Бундай имкониятдан корхонанинг 72 нафар фахрийси ҳам фойдаланади. Яқинда ниҳоялаган ёзги соғломлаштириш мавсумида эса корхона меҳнаткашларининг 70 нафар фарзанди Чодакдаги "Темирйўлчи" оромгоҳида дам олиб қайтдилар. Бунинг учун корхона томонидан 3.788.190 сўм маблағ ажратилди. Шу билан бирга меҳнаткашлар фарзандлари таълим олаётган 33- умумтаълим мактаби ва 49-мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш учун ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда бугун Олтиариқ вагонларни буғлаб ювиш корхонасининг фаолияти ҳавас қилса арзигулик. Бу эса жамоадаги ҳамжиҳатликдан далолат беради.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва конун"
мухбири

ҚЎҚОН МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ ВА ОЛТИАРИҚ ВАГОНЛАРНИ БУҒЛАБ ЮВИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан, иқтисодиётимиз қон томири саналмиш Ўзбекистон темир йўллари тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларини энг улуғ, энг азиз байрамимиз- Истиқлолнинг ўн етти йиллиги билан қизғин қутлайди. Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби иқтисодиётда, жумладан, банк тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар олиб борилди. Ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатнинг иқтисодий таянчлари янада мустаҳкамланди, аниқроқ айтганда, бир неча янги банклар ташкил этилди. Бугунги кунда нафақат мамлакатимиз балки, ўзга давлатларда ҳам етарли нуфузга эга бўлиб улгурган "Асака" банки истиқлолимиз қалдирғочларидан биридир.

"Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки фаолиятининг асосий йўналишларидан бири республикамизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган ривожланиш ва тараққиёт жараёнларида ўзининг фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир. Банк томонидан белгиланган режага мувофиқ вилоятлардаги банк тармоқларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланиши таъминланмоқда. Ҳозирда "Асака" банк тизимида 27 та филиал ва 95 та минибанк мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатмоқда.

Банкнинг Самарқанд вилояти филиалида олиб борилаётган ишлар эса таҳсинга сазовор.

Банк 2008 йил 1 июль ҳолатига кўра 1.089 нафар мижозга, жумладан, 858 юридик шахсга ва 231 нафар жисмоний шахсга хизмат кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан: 175 миллион сўми саноатни ривожлантириш учун, 296 миллион сўми қишлоқ хўжалик соҳаси учун, 3,9 миллиард сўми айланма маблағларни тўлдириш учун, 105 миллион сўми қурилиш соҳасига ҳамда 85 миллион сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун йўналтирилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан қишлоқ хўжалик техникаси ва чорва моллари сотиб олиш мақсадида фермерларга 394 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида 2008 йил давомида кам таъминланган оилаларга 94 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони банклар билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда, пул маблағларини хуфёна иқтисодиётдан реал секторга жалб этишда муҳим қадам бўлди. Банк омонатларига миллий ва хорижий валютадаги бўш пул маблағлари тушишини ошириш ҳисобига, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун улардан инвестиция ресурслари сифатида фойдаланиш имконини беради. Банкнинг вилоят филиалида ҳам ушбу Фармон ижросини таъминлашга доир бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банк филиали ва мини-банкларда омонатчилар бурчаги ташкил қилинган. Бу ерда Фармон талаблари ва бу туфайли яратилган афзаллик ҳамда қулайликлар, банк сирига тааллуқли қонунчилик ҳужжатлари, ишонч телефонлари ва амалдаги омонат турлари рўйхати билан бемалол танишиш мумкин.

Президентимизнинг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳар "Мармар бозори" ҳудудида "Боғишамол" мини-банки фаолият кўрсатиб келмоқда. Банкда бозорларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг маҳсулотни сотишдан тушган бўш пул маблағларини жамғарма ва муддатли депозитларга ҳар бир кунига фоиз ҳисоблаган ҳолда вақтинча сақлашга жалб қилиш мақсадида "Барака" омонати жорий қилинди. Ушбу омонатга фоизлар кунлик ҳисобланади ва омонатчининг хоҳишига кўра ҳар куни ёки ойнинг охирида тўланади. Ушбу омонат бўйича оммавий ахборот воситалари орқали реклама-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Филиал ходимлари, мини-банклар ҳамда жамғарма кассалари ходимларининг муомала одоби ва билим савияларини ошириш борасида иқтисодий ўқувлар ва семинарлар ўтказиб келиняпти. Аҳоли томонидан қўйилган омонатлар уларнинг биринчи талаби биланоқ нақд пул билан ўз вақтида берилиши таъминланаяпти.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда ДАТ "Асака" банки Самарқанд вилояти филиалининг 3 та ("Геология", "Челак", "Боғишамол") мини-банки ва 4 та (шу жумладан, 3 таси мини банклар қошида очилган) махсус кассаси фаолият кўрсатмоқда.

Филиал тасарруфида 3 та валюта айирбошлаш шохобчаси бор. "Westrern Union", "Юнистрим Быстрая Почта", "Близко", "Азия Экспресс" пул ўтказмалари орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича жами 98 та корхона ва ташкилот иш ҳақини пластик карточка орқали тўлаш йўлга қўйилди ва 9435 нафар ишчи ходим пластик карточка эгаси бўлди.

Келгусида банк жамоаси мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада фаоллик билан давом эттиради ва бу орқали республикамиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ДАТ «АСАКА» банки
Матбуот хизмати

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Бугунги кунда Қашқадарё вилояти аҳолисининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 134 та янги йўловчи ташиш йўналишлари очилди.

Автотранспорт соҳасини бошқариш ва йўловчилар ташишни ташкил қилиш бўйича вилоят комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Барча йўналишлар вилоят комиссияси томонидан очиқ тендерлар орқали ташувчиларга бириктирилмоқда.

2008 йилнинг ҳисобот даврида тасдиқланган жадвалга асосан вилоят комиссияси томонидан йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича белгиланган 5 та, Қарши шаҳар комиссияси томонидан 3 та, ҳаммаси бўлиб вилоятда 8 та очиқ тендерлар ўтказилди.

Вилоят бўйича умумий масофаси 15138,1 километр бўлган 275 та йўловчи ташиш йўналишлари мавжуд бўлиб, шундан 250 таси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу йўналишларда 2678 та автомобиль (149 та автобус ва 2529 та йўналишли такси, шундан 2099 таси "Дамас") қатнови амалга оширилмоқда.

Қарорлар талабидан келиб чиқиб, автотранспорт фаолиятини тартибга келтириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 111 та юридик шахс мақомини олган корхоналарга автотранспортда фаолият кўрсатишга рухсат берилган. Ушбу корхоналарга 5326 та хусусий автотранспорт воситаси бириктирилиб, ҳайдовчилар учун қўшимча иш ўринлари яратилиб иш билан таъминланди.

Рейдларда 3305 та автотранспорт воситаси текширилган. Шундан 2217 тасида қоидабузарлик аниқланган.

Қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қонун талаблари асосида тегишли чоралар кўрилган.

Холиқ РЎЗИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими бошлиғи

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

"Шарофиддин-Нурилло" хусусий фирмаси беш йилдирки аҳолига кўпгина йўналишлар бўйича транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Бешкент - Қарши, Қарши - Тошкент, Қарши - Чўли ота фермерлар массиви, Қарши - Ғўбдин, Қарши - Пармитан йўналишларида аввало корхона ўзи харид қилган замонавий "Ўзотайўл" ва "Исузи" русумли автобуслар қатновини ташкил этган. Шунингдек, 172 нафар тадбиркорни рўйхатдан ўтказиб, ушбу йўналишларда 120 та "Дамас" ҳамда 52 та микроавтобус қатновини ўрнатилган тартибда ташкил этмоқда. Корхона 15 миллион сўмлик ойлик режани ортиғи билан бажариб бормоқда.

Кундалик фаолиятимизда ҳайдовчилар техник ва тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг хизматга жўнатилади. Бу борада муҳандисларимиз Эгамберди Тўйчиев, Ибрагим Тўхтаев ҳамда ҳамшираларимиз Садоқат Ҳайдарова ва Моҳира Холмаматоваларнинг хизмати беқиёс.

Корхонамиз фаолиятида ободончилик, ижтимоий ҳимоя масалалари асосий ўринда туради.

Корхона ҳисобидан тумандаги Чўли ота фермерлар массивида яшаётган кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандининг суннат тўйини ўтказиб бердик. Шунингдек, Ғўбдин, Ниёзбудик, Лағмон, Мирмирон қишлоқларида яшовчи 60 та кам таъминланган оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шу қишлоқлардаги 30 нафар кишининг Самарқандга саёҳати уюштирилди.

Нарзулло НАМОЗОВ,
Қарши туманидаги "Шарофиддин-Нурилло" хусусий фирмаси раҳбари

Бугун маҳалланинг ҳар бир кўчасида ўн-ўн бештадан дипломли ҳунар эгалари, касб-ҳунар усталари истиқомат қилади. Масалага яқиндан ёндошсак, аввало мустақиллик даврида ҳар бир соҳани малакали ва билимли мутахассислар юқори салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш учун таълим-тарбияда ислоҳотлар олиб борилди.

ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ



Қисқа фурсатда 12 йиллик таълим тизими вужудга келтирилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил ҳаётга тадбиқ этилмоқда. 12 йиллик таълимда бола мактабда пухта билим олиш билан биргаликда ҳеч бўлмаганида битта касб-ҳунар эгаси ҳам бўлади. Бу эса илгаригидек битирувчиларнинг ишсиз қолиб кетишига йўл қўймайди. Қўлингизда бир ҳунар бўлмаса, ким ҳам ишониб иш берарди.

Қарши маданият коллежи ҳам мустақиллик меваси ҳисобланади. Коллеж жамоаси ўз олдига нафақат ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни мақсад қилган, балки маданият, санъат дурдоналарини асраб-авайлаш ҳам фаолиятдаги муҳим йўналишлардан биридир.

Юқори салоҳиятли 200 нафар ўқитувчи 1000 га яқин талабага пухта билим бериш билан бирга уларга маълум бир санъат йўналишларини эгаллашларида устозлик қилишаяпти. Устозларимиз - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар - Одилжон Исмоилов, Баҳриддин Раҳмонов, Рустам Эшмуродов, фан номзодлари Ғайрат Соатов, Карим Муҳаммадиев, "Шуҳрат" медали соҳибаси Умида Хушвақтованинг кучига таянган ҳолда таълим тарбия ишлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Бу устозларимиздан сабоқ олган талабаларимиз республика миқёсидаги кўрик-танлов ва мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Жумладан, 2007 йилда Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида" танловида талаба Рўзигул Темирова 2-ўринни, "Ёш истеъмолчи" танловида Низомиддин Умиров 3-ўринни, ногирон талаба-ўқувчилар ўртасида ўтказилган расмлар кўргазмасида Бобомурод Расулов 3-ўринни эгаллади. Мехринисо Саидова анъанавий ижрочилик бўйича санъат ва маданият коллежи, академик лицейларнинг республика танловида фахрли 2-даражали диплом билан тақдирланди. Театр йўналиши бўйича талаба Н.Умиров фахрли диплом соҳиби бўлди.

Бу ютуқларнинг барчаси жамоамизни янада шижоат билан меҳнат қилишига ундаши табиий.

Абдураҳмон БЕРДИЕВ,
Қарши маданият коллежи директори биринчи ўринбосари

"САМАРҚАНДДОНМАҲСУЛОТ" ОАЖ ЖАМОАСИ

ғалла мустақиллигига эришиб, жорий йилда 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд сара дон етиштириб, мамлакат ғаллачилиги тарихида илк бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олган республикамиз аҳлини Истиқлолнинг 17 йиллиги муносабати билан қутлайди. Элимиз дастурхони доимо тўкин, ҳаётимиз янада фаровон бўлиб бораверсин. Барчангизга соғлик-омонлик, келгуси ишларингизга ривож тилайди.

АТИБ "ИПОТЕКАБАНК" САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

IPOTEKA BANK

қудратли давлат қуришдек буюк мақсад йўлида бирлашиб меҳнат қилаётган республика аҳлини шу мақсадга қўр бераётган Истиқлол айёми билан самимий муборакбод этади.

Шодиёна тинчлик ҳукм сурган юртга, осойишта қалбларга яшайди. Шундай экан тинчлигимиз мангу, осойишталигимиз бардавом бўлсин. Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ришталари янада мустаҳкам шаклланаверсин.

ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳли ва меҳмонларини энг улуғ байрам - Мустақилликнинг 17 йиллиги билан табриклайди. Барчага тинчлик-хотиржамлик, соғлик-саломатлик, оилаларга қут-барака тилайди.

Юртимиз гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилаётган ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишларига омад ёр бўлсин! Оилаларини байрам руҳи ҳеч қачон тарк этмасин.

ОИЛА — ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Оила муқаддас гўша. Унда келажак ворислари - фарзандлар улғаяди, камол топади. Шу сабаб мамлакатимизда оила - жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза этилади.

Асосий Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилага алоҳида боб ажратилиб, унда "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб белгиланган. Мана шунинг ўзи ҳам унинг нечоғли улуғ маскан эканидан далолат.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги бу ғамхўрлик Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ҳам ўз ифодасини топган. Оилавий муносабатларда аёл билан эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги, шунингдек, оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, оналикни муҳофаза этиш, рағбатлантириш, никоҳ ва оила муносабатларининг давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиниши каби ҳаётий масалалар ҳам қонун билан муҳофазаланган.

Аёлсиз жамият, давлат бўлмагани каби аёлсиз оилани ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Аёл оила чароғбони, фарзандларимиз ҳомийси, фаровон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзи. Муқаддас динимиз Исломда ҳам аёл мўътабар зот сифатида эъзозланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилди, оила масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Аёл қадр-қимматини янада кўтариш, оила фаровонлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди ва бу борада катта ижтимоий-сиёсий тадбирлар амалга оширилди. Оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза этилиб, бу борадаги миллий қадриятларни тиклаш, устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимизнинг аёлларни улуғлаш ва эъзозлашга доир шундай сўзлари бор, "Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим".

Юртимизда оила ва унинг нури бўлган аёлларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор биз оналарни ҳамиша фаолликка руҳлантиради.

Насиба ТОШЕВА,
Миришкор тумани ФҲДЁ бўлими мудири

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ "МЎЪЖИЗА Н" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни энг улуғ, энг азиз, энг қадрли байрам - мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади
Истагимиз юртимизда ҳамиша тинчлик-омонлик, тўкин-сочинлик, файзу барака барқарор бўлсин!



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда кўплаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қурилиб, ишга туширилмоқда ва уларга хориждан келтирилган ўқув-техника жиҳозлари ўрнатилмоқда. Шунингдек, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус таълимининг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, педагогика коллежининг профессор-ўқитувчилари ҳам замонавий иқтисод, фан, маданият, техника, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш асосида мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўқитувчиларимиз томонидан кўплаб ўқув қўлланмалари, дастурлар, маъруза матнлари, мажмуалар яратилди. Замонавий фан хоналари, маънавият ва маърифат маркази, ўқув юрти тарихини акс эттирувчи музей экспонатлари, радиоузел, ички телестудияларнинг фаолият кўрсатиб турганлиги ҳам ислоҳот талаблари амалга оширилаётганлигидан дарак беради, десак муболаға бўлмас.

Бугунги кунда ёшларимизнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун иқтидорли ёшлар иштирокида интернет фестиваллар, интернет форумлар ўтказилмоқда. Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари сони кўпайиб, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастурида телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланиш, интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари ва телекоммуникацияларнинг янги объектларини қуриш, халқаро каналлар сонини кўпайтириш, ахборот айирбошлашни автоматлаштириш фоизини ошириш ишлари белгиланди. Ўқув юртимизда ташкил этилган компьютер маркази ва унинг халқаро интернет тизимига уланиши талаба ва ўқитувчиларимизнинг ахборот эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув юртимизда ташкил этилган компьютер марказида дастурларни юритиш билан биргаликда ўқитувчилар ва ўқувчилар учун уч ойлик ўқув-курслари очилди ва дастурлар тузилиб, машғулотлар бошлаб юборилди.

Масофавий ўқитиш усуллари ўқув юртимизнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларимизнинг дунё илмидан хабардор бўлишларига ва халқаро дастурлар бўйича иштирок этишларига шароит яратмоқда.

Маҳмуд МАМАТОВ,
Шаҳрисабз педагогика коллежи директори

АТ "ПАХТА БАНК" ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини энг азиз ва энг улуғ байрам - мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллик қутлуғ санаси билан қутлайди.
Мусаффо осмонимизда балққан ҳурлик қуёши абадий сўнмасин.
Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлсин.

Вилоятимизда 175840 гектар майдонда ғўза парвариш қилинмоқда. Бугунги кунда ғўзани касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш юзасидан Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг 343 нафар тажрибали энтомолог- агрономи, вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасининг 3620 нафар дала назоратчиси кузатув ва назорат ишларини олиб боришмоқда. Шира-трипс зараркунандаси зарар етказишининг олдини олиш учун 118,1 минг гектар майдонга олтинкуз энтомафаги чиқарилди, 693,9 минг гектар майдонга минерал ўғитлар суспензияси сепилди.

ЗАРАРКУНАНДАЛАР ТАРҚАЛИШИ ОЛДИ ОЛИНДИ

Ўргимчаккана ва бошқа зараркунандалар тарқалишига қарши кураш мақсадида 237,4 минг гектар майдонга олтинкуз билан биологик ишлов ўтказилди. Барча ғўза майдонлари четларига, уват ёқаларига изоляция қилиб, жами 61,7 минг гектар майдонга ИСО қайнатмаси билан ишлов берилди. Бундан ташқари, ўргимчаккана тарқалиши мумкин бўлган майдонлар назоратга олиниб, профилактика мақсадида 52,2 минг гектар майдонга олтингугурт кукуни чангитилди.

Кўсак қурти капалакларининг учиш муддатлари ва тухум қўйишини аниқлаш мақсадида ҳар 1-2 гектар майдонга 1 донадан жами 106,3 минг дона феромон тутқичлар ўрнатилиб, кунлик назорат ишлари олиб борилмоқда. 630,8 минг гектар майдонга трихограмма ва 534,8 минг гектар майдонга бракон энтомафаглари чиқарилди.

Вилоят ҳокимининг 30 июндаги қарорига асосан ғўза майдонларида касаллик ва зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш, биолабораторияларда биомаҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш ва ғўза зараркунандаларига қарши тезкор курашни мувофиқлаштирувчи 12 кишидан иборат махсус штаб тузилиб, иш режа асосида қизғин давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси

тизимидаги қишлоқ хўжалиги коллежларининг раҳбар ва мутахассис ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳудудларга бириктирилган, улар кунлик мониторинг юритишмоқда.

Вилоятда 90 та биолаборатория мавжуд бўлиб, биомаҳсулотлар белгиланган режа асосида ишлаб чиқарилмоқда. Вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси бошчилигидаги биолабораторияларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш мақсадида шакар, маргарин, 3 литр сиғимли шиша-банка каби зарур ашёлар олиб беришга ва 106 та автомашина бириктирилган биолабораторияларда ишлаб чиқарилган биомаҳсулотларни вақтида далага тарқатишда амалий ёрдам бермоқдалар.

Неъматулло ЎТАПОВ,
Қашқадарё вилояти
Ўсимликларни ҳимоя қилиш
маркази директори

БОЗОРИ ОБОД ЮРТ

Косон бозорлари харидорлар билан гавжум. Харидорларнинг орасида қўшни туманлардан келганлар ҳам бор.

— Бозорда сотувчига ҳам, харидорга ҳам қулай шароит яратилган, — дейди хусусий тадбиркор Дилфуза Мухторова. — "Буюм бозори"да савдо билан шуғулланаётганимга қарийб 15 йил бўлди. Хитой, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистондан мол олиб келаман. Тадбиркорликка кенг имкониятлар берилаётгани айни муддао бўлди. Божини тўласак, маҳсулотлар талабга жавоб берса, четдан истаганча мол олиб келишимиз мумкин. Бунинг устига, улгуржи савдо билан шуғулланувчи йирик савдогарлар пайдо бўлди. Улардан мол оламиз. Бозоримиз бой, харидорга хилма-хил молни таклиф қиламиз.

Энг муҳими, улар қўшни шаҳарлардагидан арзон. Биз шунга ўрганганмиз. Савдо юришиб, пул айланиб турса, фойда шундан келади.

Бозорда 103 та турғун савдо замонавий дўкони, 191 та савдо растаси тадбиркорлар ихтиёрида. Шуниси диққатга сазоворки, расталарнинг орқаси кенглиги туфайли харидорлар бемалол савдо қилишади. Бозорда буюмларнинг турига қараб, алоҳида-алоҳида қаторларга жойлаштирилганлиги таҳсинга лойиқ. Харидорнинг вақти тежалади, молнинг сифати ва нархини солиштириб, яхшисини танлаш имкони туғилади.

— Фаолиятимизни тадбиркор ва харидорларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этаётганимиз ҳамжиҳатликни таъминлашдан ташқари савдо кўрсатиш хизмати сифатини яхшилашга олиб келди, — дейди Косон туманидаги "Ферузбек Асадов" буюм бозори МЧЖ кузатув кенгаши раиси Ҳамза Асадов. — Биз шаҳримизнинг савдо

соҳасидаги анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Мақсад халққа ҳалол, покиза хизмат қилиш. Бунинг учун имкониятлар етарли. Бозорга келувчилар учун махсус автобус йўналишини очдик ва кира ҳақини арзон қилиб қўйдик.

МЧЖ тумандаги 11-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатини оталиққа олган. "Ёшлар йили"да Оброн қишлоғидаги 4 та ёш оила ҳовли-жойини жорий таъмирлаб берди. Пўлати қишлоқ фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўмлик кийим-кечак тарқатилди. Бундан ташқари, тумандаги Муғжагул, Янгиобод, Нақтичуқур, Регзор, Равот, Й.Охунбобоев, Пахтазор маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандига суннат тўйини ўтказиб берди.

Ҳа, "Ферузбек Асадов" МЧЖ нафақат Косон туманида, балки бутун вилоятда ўз ўрнига эга бўлган савдо мажмуига айланмоқда. Аслида у вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг бир қисмидир.

Файзулла ЭШҚУЛОВ

ҲАМКОРЛИК

Банк соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида РАТБ "Ғаллабанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали ҳам фаол қатнашишга интилиб келмоқда.

Бугунги кунда вилоятда мазкур филиал билан бир қаторда 4 та минибанк, 2 та жамғарма шохобчаси, 3 та валюта айирбошлаш шахобчаси, 3 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси томонидан қарийб 8 мингга яқин хўжалик юритувчи субъектларга кенг кўламда банк хизматлари кўрсатилмоқда.

2008 йилнинг 1 август ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 4 805,0 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кредит қўйилмаларининг 1 782,5 миллион сўми саноатга, 1569,2 миллион сўми қишлоқ хўжалиги соҳасига, 264,4 миллион сўми савдо ва умумий овқатланишга ҳамда 1188,9 миллион сўми транспорт, қурилиш ва маҳсулотларни қайта ишлаш каби тармоқларга йўналтирилди.

Жорий йилда банк томонидан 8 та саноат корхонасига жами 1320,0 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштиришда аввало экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда бу билан янги иш ўринларини барпо қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган етти ойида бу каби мақсадларни кўзлаб 800,0 миллион сўмлик 24 та лойиҳа молиялаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 15 дона Германиянинг "Класс" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган "Доминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайни олиб берилди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами қиймати 220,0 миллион сўмлик турли хил русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари харид қилиш учун кредит маблағлари ажратилди.

Шерзод СУВОНҚУЛОВ,
РАТБ "Ғаллабанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали бўлими бошлиғи

**Азиз юртдошлар, муҳтарам ҳамкасблар!
Барчангизни мамлакатимиз
Истиқлолининг 17 йиллик байрами
билан қизғин муборакбод этамиз.
Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз
узра ҳамиши порлаб тураверсин!
Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

"МИЖОЗЛАРГА МАДАДКОРМИЗ"

дейишмоқда "АСАКА" давлат акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилоят филиали ходимлари

Маълумки, "АСАКА" давлат акциядорлик тижорат банки Марказий Осиёдаги энг йирик банклардан биридир.

1996 йилда ташкил этилган Фарғона вилояти филиали мижозларга кўрсатилаётган хизматнинг сифати ва тезкорлиги жиҳатидан алоҳида мавқега эга. Негаки, филиал жамоаси ўтган 12 йил мобайнида банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, замонавий универсал банк хизматини йўлга қўйиш мақсадида банк активларини яхшилаш, фойда миқдорини ошириш ҳамда самарадорлик кўрсаткичини барқарорлаштиришга жиддий эътибор билан ёндошди. Қолаверса, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришдаги иштирокини фаоллаштириш ва мижозларга яқинроқ бўлиш мақсадида минибанклар тармоғини кенгайтиришга ҳам эришилди. Натижада бугун Қўқон, Марғилон, Олтиариқ бўлимлари ҳамда Фарғона шаҳрида Ал-Фарғоний, Олтин водий, Тараққиёт, Қўқон шаҳрида Навоий, Марғилон шаҳрида Марғилон ва Учкўприк минибанклари самарали фаолият юритмоқда.

-Асосий эътиборни узоқ муддатли инвестиция ва маҳаллий лойиҳаларни молиялаштиришга қаратганмиз,-дейди вилоят филиали бошқарувчиси Рашидхон Нурматов. - Масалан, Фарғона шаҳрининг ўзида 3 та йирик лойиҳани амалга ошириш учун хорижий кредит линиялари ҳисобидан 11,7 миллион АҚШ доллари миқдорида, 9 та маҳаллий лойиҳани молиялаштиришга эса 8,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Пировардида "Автоойна" ОАЖ, "А.Акбарали" ХИЧК, "Алеста Гласс" ШК, "Фарғона Автотрансхизмат", "Фарғона Автосавдо" МЧЖлари, "Сайқал" ХФ сингари йирик саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини самарали йўлга қўйди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг вилоят филиали томонидан 2008 йилнинг дастлабки ярмида 64 ёш оилага уй-жой, уй жиҳозлари ва маиший техникалар сотиб олиш ҳамда табиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун жами 770 миллион 900 минг сўм миқдорида кредитлар берилди. Сервис соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилган кредит маблағлари эса 1 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қилди.

Бугун банк филиали кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Боиси ушбу соҳа иқтисодиётимиз таянчига айланиб улгурди. Имтиёзли кредитлаш фонди, бюджетдан ташқари жамғармалар, Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Мазкур секторга йилнинг ўтган даврида 2 миллард 603 миллион сўм кредит ажратилиши туфайли 65 та янги иш ўринлари яратилди. Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси борасида вилоятдаги 28 нафар тадбиркор аёл жами 287 миллион 500 минг сўмдан зиёд кредитларни қўлга киритишди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йил бошида банк филиали билан маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлигида чорвачилик, кўчатчилик, асаларичилик, баликчилик ва паррандачиликни ривожлантириш ҳамда бунинг эвазига янги иш ўринларини яратишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилганди. Бинобарин, 142 миллион сўмлик кредитлар ана шу дастур ижросини таъминлашга йўналтирилди. Бундан ташқари, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига асосан мижозларга ҳар томонлама қулай бўлган лизинг операциялари, пластик карточкалари эмиссияси, кредит карточкалари орқали овердрафт усулида кредитлаш, автокредитлар сингари янги хизмат турлари жорий қилинди. Натижада мижозлар сафи янада кенгайиб, бугун уларнинг сони 1100 нафарга етди. Шундан 970 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 февралда қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида фуқароларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш учун жойларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида 22 мингдан ортиқ пластик карточкалар эмиссия қилиниб, 180 га яқин савдо шоҳобчаларига савдо терминаллари ўрнатилди. 200 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳалари ташкил қилинган. Бунинг эвазига 2008 йилнинг ўтган даврида 800 миллион сўмдан ортиқ пул айланмаси таъминланди.

Бундан ташқари, 4 хил энг оммабоп халқаро пул ўтказмаларининг йўлга қўйилиши орқали йилнинг айни давригача 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўловлар амалга оширилган.

"АСАКА" Давлат акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали жамоаси ва унинг кўп минг сонли мижозлари барча юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимиз банк тизимида меҳнат қилаётган ходимларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз-Истиқлолнинг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Мустақиллигимиз янада мустаҳкам, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!

**Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва конун" мухбири**

МАҚСАД — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРГА АЙЛАНИШ

Истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида деярли барча жабҳаларда, шу жумладан, банк тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди. Мазкур ислоҳотлар тизим барқарорлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш имконини берди. Собиқ "Ўзтадбиркорбанк" негизида акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг ташкил этилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

"Микрокредитбанк" ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, фаолияти кўламини тобора кенгайтириб бормоқда.

Банкнинг Фарғона вилояти филиали ҳам пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситаларини излаб топиш, банкнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, банк ресурс базасини аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасида бир мунча сезиларли ишларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда банк томонидан "Камалак" 6 ой муддатга йиллик 20 фоиз, "Иқбол" бир йилдан икки йилгача бўлган муддатга йиллик 18 фоиз, "Ишонч" (маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади) бир йил муддатга йиллик 4 фоиз, "Тақдим этувчи" 4 ойдан 12 ойгача йиллик 18 фоиз, "Антиқа" 1 кунлик йиллик 18 фоиз, "Сармоя" 1,2,3 йилгача йиллик 18 фоиз даромад тўланадиган омонат турлари жорий қилинган. Қолаверса, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пластик карточкалардан фойдаланишни йўлга қўйишга ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Агар рақамларга назар ташласак, 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида банкнинг вилоят филиали кассасига жами 11 миллиард 405 миллион 183 минг сўм маблағ жалб қилинди. Қолаверса 1 миллиард 987 миллион 117 сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банкимиз фаолияти учун характерли жиҳатлардан бири - оз миқдорда сармоя олиб, катта яратувчанликка кўл урган мижозлар сонини кўпайтиришдир. Бинобарин, юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори 5 фоиздан 21 фоизга ўсди. Шунингдек, кичик корхоналар учун ажратилган кредитлар ҳажми 37 фоиздан 59 фоизга ошди.

"Маҳалла" жамғармасининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бирига айланган.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида шу йилнинг дастлабки ярми мобайнида 139 нафар ёш оилага 279.100.000 сўм миқдорида микрокредитлар, 85 нафарига эса 129,5 миллион сўм истеъмол кредитлари берилди.

Яна бир эътиборли жиҳат. Банкимиз томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, шу орқали уларни мустақил ҳаётда ўз ўрнилларини топишларига кўмаклашиш, янги иш ўринларини яратиш ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — элга мададкор" танлови эълон қилинди.

Ҳозир Фарғонадаги кўпгина фермер хўжаликлари бизнинг мижозимиздир. Бу йил уларга пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришлари учун 9 миллиард 389 миллион 464 минг 448 сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар контрактация шартномасида белгиланган пахта ва ғалла қийматининг 60 фоизига тенгдир.

Албатта, филиалимиз жамоаси амалга ошираётган ишлари бесамар кетгани йўқ. Аниқроғи, бугунга келиб мижозларимиз сони 6358 нафарга етди. Шундан 2904 нафари фермер хўжаликлари, 1234 нафари якка тартибдаги тадбиркорлар, 1573 нафари фирма ва бошқа тадбиркорлик субъектлари, 646 нафари жисмоний шахслар ва 1 нафари қўшма корхонадир.

Мўйдинжон МАТКАРИМОВ,
АТ "Микрокредитбанк"нинг Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси

MIKROKREDITBANK

АТ "МИКРОКРЕДИТБАНК"
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
жамоаси

Истиқлол туфайли амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзанидаги умидбахш ўзгаришлар кўпмиллатли она диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши онг-шуурига юксак ғурур ва чексиз ифтихор бағишлаётгани билан янада қадрлидир.
Ўзаро қадр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ва яратувчилик шижоати халқимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

ТИНЧЛИГИМИЗ БАРҚАРОР, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Мамлакатимизда лицейлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса билимли ёшлар сафининг кенгайишини таъминлаш билан бирга таълим сифатини оширишни ҳам талаб этади.

"ВАТАНПАРВАР" ҒОЛИБ

Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицей ташкил топганига тўрт йил бўлди. Ҳозирги кунда 1045 нафар талаба 4 йўналиш бўйича - ижтимоий гуманитар, аниқ фанлар, табиий фанлар ва хорижий филология йўналиши бўйича билим олмоқда. 2008-2009 ўқув йили учун 330 нафар талаба қабул қилинди.

Академик лицей Қарши Давлат университети билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Университет талабалари академик лицейда амалиёт ўтайдилар, профессор-ўқитувчилар дарс машғулотлари олиб борадилар. Лицейда республикамизда мавжуд ўқув юртлари тўғрисида маълумотлар банки яратилган. Шу билан бирга ДТМ билан ахборотномалар алмашиш борасида кўламли ишлар амалга оширилган. Ҳар бир битирувчи билан касбга йўналтиришга оид ишлар олиб борилади.

Лицей замонавий бинода жойлашган бўлиб, мебел, замонавий ўқув-лаборатория хоналари, керакли асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва коммуникация тизими билан таъминланган. Компьютерлар АРМ интернет тармоғига уланган. Ўқувчиларнинг ўз билимларини синаши ва билим - тажриба алмашишлари учун "Заковат", "Ёшлар парламенти", "Интеллектуал ринг" каби клублар ташкил этилган.

Ўқувчилар ҳар йили ўтказиб келинадиган турли фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишади. Лицейда спорт йўналишига ҳам катта аҳамият берилади. Бу ерда II-III босқич талаба- йигитларидан иборат "Ватанпарвар" жамоаси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлашга қаратилган ўн учинчи "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичида иштирок этиб, I ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ўтган 2007 йилда лицейнинг "Аҳурамазда" жамоаси "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлган эди. Талабаларимиз Сирож Махатов инглиз тили, Бектемир Кенжаев тарих, Шаҳноза Ҳамраева она тили, Зафар Шавқиев ҳуқуқ фанларидан фан олимпиадасининг вилоят босқичида ғолиб бўлдилар.

2008 йил 10-12 май кунлари "Кадрлар тайёрлаш сифат босқичи амалда: муаммо ва натижалар" мавзуида ўқитувчилар ва талабалар илмий конференцияси ўтказилди. Конференцияда 22 нафар ўқитувчи, 16 нафар ўқувчи илмий маърузалари билан иштирок этдилар.

Бугунги кунда академик лицейда ижтимоий-гуманитар аниқ фанлар, табиий фанлар, хорижий филология фанлари кафедралари эришган натижалар кишини қувонтиради.

Исмигул ХУШМУРОДОВА,
2-академик лицей директори

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН - ГЕРМАНИЯ АТ "САВДОГАР" БАНКИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЖАМОАСИ

буюк эзгу ниятлар йўлида давлатимиз қудратига эш бўлаётган фидокор Ўзбекистон халқини Истиқлол айёми билан самимий табриклайди. Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби банк соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилдики, натижада "Банк - мижоз учун" деган тамойил ўз тасдиғини топди. Бугунги кунда банкнинг молиявий мададидан баҳраманд бўлмаган тадбиркорни топиш қийин. Бу ҳамкорлик янада юксалаверсин.

АТ "МИКРОКРЕДИТБАНК" САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

MIKROKREDITBANK

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги шодиёналари билан самимий қутлайди. Юртимиз тинчлиги, кўнгиллар хотиржамлиги бардавом бўлсин. Банк ва мижоз ўртасида муносабатлар ҳамиша ижобийлик касб этаверсин. Ягона мақсад йўлида фаол ҳамкорлик қилиш кўникмаси янада юксалаверсин.

Президентимизнинг шу йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ушбу Фармонга биноан 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда ҳар бир фуқаро банкда ўзининг депозит ҳисобварағини, жумладан, тақдим этувчи, яъни омонатчининг номини кўрсатмаган ҳолда очиши, ушбу ҳисобваракка чекланмаган миқдорда миллий ва хорижий валютада пул маблағларини қўйиши, шунингдек, ўзининг хорижий банклардаги маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказишлари мумкин. Шуниси муҳимки, бунинг учун маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар талаб этилмайди. Банклар, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи фуқаролардан бу ҳақда бирор маълумотларни сўраб олиш қатъиян маън қилинган. Қайд этилган даврда жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобваракларига қўйган маблағлари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилгани туфайли солиқ органлари томонидан ҳам текширилмайди.

Халқ банкининг Сурхондарё вилояти филиали ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил 1 августга қадар 204 нафар фуқарога 76.800.0 минг сўм кредит ажратган бўлса, 2008 йилнинг 1 август ҳолатига 181 нафар ёш оилага 413.600.0 минг сўм, яъни ўтган даврга нисбатан жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 336.800 минг сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес субъектларига 2008 йилнинг 1 августига қадар, 1176 нафар фуқарога 2.419.900 минг сўм кредит маблағлари берилди.

Халқ банки филиаллари томонидан берилган кредитлар ҳисобига жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 2091 та янги иш ўрни яратилди.

Лизинг операцияларини амалга ошириш ҳажми ўтган йилга нисбатан 3 баравардан ортиқроқ ўсди. Банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган 891 дан зиёд фермер хўжаликларидан 60 дан ортиғига 3 миллиард сўмга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари, шу жумладан, 6 та фермер хўжалигига 876 миллион сўмлик Класс-даминатор русумли комбайн ҳам банк кредит-лизинг маблағлари ҳисобига олинди.

Халқ банки шаҳар ва туман филиаллари томонидан аҳолига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда 55 та терминал ишлаб турибди. Ушбу терминаллар орқали 2008 йилнинг 1 августига қадар 1.812.066.1 минг сўмлик муомалалар бажарилди.

Бундан ташқари, банк томонидан "Вестерн-Юнион", "Контакт" ва жорий йилнинг май ойидан бошлаб ташкил этилган янги "Юнистрим" халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали аҳолига қулайликлар яратилиб, банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Банк хизматларининг барча шаклларини жорий этиш аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиши учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган.

Юртбошимиз раҳнамолигида банк тизимини янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар банк ва омонатчилар ўртасидаги ишончли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, депозит ҳисобваракларига аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги бўш пул маблағларини жалб этилишини кўпайтиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида банкимизга иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиялаш учун қўшимча маблағларни шакллантириш имкониятини беради.

Э.НАРМАТОВ,
Халқ банки Сурхондарё вилояти филиали бошлиғи

TRAST BANK

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ТРАСТБАНК»
жамоаси

Сиз азизларни Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан қизғин табриклаб, хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

Мустақил диёримиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

Азиз юртдошлар!

Барчангизни Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги шодиёнаси билан табриклаймиз. Сизларга Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатингизда ғайрат-шижоат доимо ҳамроҳ бўлсин!

"ЖИЗЗАХ НЕФТБАЗАСИ" УНИТАР КОРХОНАСИ

"ҚАШҚАДАРЁ-ҚИШЛОҚХЎЖАЛИК-КИМЁ"

барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини, фермерларни, пахтакор, ғаллакор, пиллакор, миришкорларни энг улуғ, энг азиз байрам - Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан муборакбод этади. Деҳқонларимизга хирмонларни юксалтиришдек шарафли ишда омад ва зафарлар тилайди.

ДАТ "АСАКА" БАНКИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қутлуғ айём - Истиқлолимизнинг 17 йиллик шодиёнаси билан қутлайди! Юртимиз фахри, Ўзбекистон Қаҳрамони суюкли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари покиза қалбингизни қувончга тўлдириб, унга жо бўлсин!

Диёрим Ўзбекистондир, ки ондин ифтихорим бор,
Демакким, ҳур адолатлиғ, давлати барқарорим бор,
Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бор, ғамгусорлик бор,
Ватандан айри кўнгиллик билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

АТ "САНОАТҚУРИЛИШБАНК"НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

бунёдкор элимизга ҳамда жаннатмакон диёримизга хизмат сафари ва сайёҳ сифатида ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга Ўзбекистон халқининг энг улуғ ва энг азиз айёми - Истиқлолнинг 17йиллиги шодиёнаси билан ифтихор туғёнларига тўлган юраклар табригини йўллайди. Барчангизга дил нурафшонлиги, кўнгил осойишталиги, оила бахтиёрлиги тилаб қолади.

"МУБОРАКНЕФТГАЗ" УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик куни билан табриклайди. Мамлакатимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу фаолиятингизга муваффақиятлар тилайди.



"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" ҚАШҚАДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

барчангизни Истиқлол айёми билан қутлайди.



МИЖОЗ ИШОНЧИ

банкнинг хизмат кўрсатиш сифатига ҳар жиҳатдан боғлиқ

Давлат тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти худудий филиали фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Ҳозир унинг таркибида 21 та туман ва шаҳар филиали, 8 та минибанк, 194 та шохобча ва 26 та махсус касса фаолият юритмоқда.

— Банкимиз томонидан 2008 йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг бўш пул маблағларини турли омонатларга жалб қилиш, коммунал тўловларни қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга турли кредитлар ажратиш, "Вестерн Юнион", "Контакт", "Юнистрим" сингари пул ўтказиш тизимлари орақали келган маблағларни ўз вақтида мижозларга етказиш, пластик карточкаларга маблағлар қабул қилиш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими бўйича бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди, — деди вилоят филиали бошлиғи Сойибжон Марипов биз билан суҳбатда.

Маълумки, Юртбошимизнинг **"Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ҳамюртларимизнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида барча туман, шаҳар филиалларида "маслаҳатчи менеджер" штати жорий этилди. Маслаҳатчи менеджернинг асосий вазифаларидан бири фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд омонатлар ва ҳукумат қарорлари мазмун-моҳиятини тарғиб қилишдир. Қолаверса, ҳар бир филиалда "Омонатчилар бурчаги" янгидан ташкил қилинди.

Айни пайтда "Тақдим этувчи" омонатига 3,6,9 ва 12 ойлик муддатга, "Таътил" омонатига 6 ой муддатга йиллик 18 фоиз, "Мустақиллик совғаси" ютуқли омонат турига 3 ой муддатга йиллик 12 фоиз даромад тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда маблағлар қабул қилинмоқда. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2008 йилнинг 1 апрелидан шу кунга қадар жалб қилинган омонатлар 527,1 миллион сўмга, омонатчилар сони эса 60 минг нафар ўсди.

Нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам кўнгилдагидек. Бунда пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар жуда қўл келмоқда. Бугун банк томонидан жойларга пластик карточка орқали савдо қилувчи 132 та савдо терминали ўрнатилган. Терминаллар асосан дорихоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда 18.500 нафар фуқаро банкнинг пластик карточкалари хизматидан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳри ва Данғара туманида коммунал тўловларни қабул қилувчи махсус жиҳозланган автобуслар, Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарларида эса худди шундай енгил автомашиналар хизматга қўйилган. Бу аҳолининг узоғини яқин қилиб, қулайлик яратмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан банкнинг вилоят филиали томонидан 1362 нафар кам таъминланган оилага 1.289.200.000 сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бошқача айтганда 1362 та иш ўрни яратилди, демакдир.

Модомики, гап банк филиали томонидан ажратилган кредитлар хусусида кетар экан, бу борада давлатимиз раҳбарининг **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ 115 нафар ёш оилага уй жиҳозлари сотиб олиш, уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун 1,2 миллиард сўм, 404 ёш оилага эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 706 миллион сўм миқдорида кредитлар берилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозир вилоятнинг 17 та туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган 1832 та фермер хўжалиги айнан шу банкда ўз ҳисоб рақамини очган. Йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудий филиал томонидан уларнинг моддий техника базасини кучайтиришга алоҳида эътибор билан ёндошилди. Масалан, 15 та ҳайдов трактори, Фурқат, Олтиариқ, Бағдод ва Данғара туманлари филиалларининг мижозларига "ПНМ-5" сеялкалари, Бағдод, Ўзбекистон, Олтиариқ ва Тошлоқ туманлари филиалларининг 1 нафардан мижозига Германияда ишлаб чиқарилган "Класс Доминатор-130" русумли ўрим комбайни сотиб олиш учун жами 1 миллиард 416 миллион 100 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида берилган кредитлар миқдори эса 126 миллион сўмни ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда, банкнинг вилоят филиали жамоаси "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига амал қилмоқда. Зеро, мижоз ишончи банкнинг хизмат кўрсатиш сифатига боғлиқ.

Хуршиджон тайёрлади

КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ

Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси борасида "Халқ банки" Бухоро вилоят филиалида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ва барча туман филиалларимиз муомала залларида "Омонат бурчаклари" ташкил этилган. Улар мамлакатимиз Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, мазкур Фармон шарҳи, "Банк сири" тўғрисидаги Қонун, банк Бошқаруви томонидан жорий этилган янги омонат турларининг шарт ва қоидалари ҳамда "Халқ банки"нинг аҳолига кўрсатаётган хизмат турларини тарғиб этувчи реклама буклетлари билан таъминланган.

Мазкур Фармон талабларига асосан Бошқарув томонидан йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан уч ой, олти ой, тўққиз ой ва бир йил муддатга "Тақдим этувчи", олти ой муддатга "Барқарор", йиллик 3 ва 6 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан чет эл валютасидаги "Муддатли" омонат турлари ташкил этилиб, маҳаллий ахборот воситалари орқали ушбу омонат турларининг афзалликлари тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Фармонга мувофиқ, 2008 йил 1 апрелидан 2009 йил 1 апрелигача бўлган даврда ҳар бир фуқаро банкда ўз депозит ҳисобварағини очиши, унга миллий ва хорижий валюатада чекланмаган миқдорда маблағ қуйиши мумкин. Бунда омонатчидан пул маблағларини тасдиқлайдиган ҳужжат талаб этилмайди. Бошқача айтганда, манба суриштирилмайди. Омонатга қўйилган маблағ солиққа тортилмайди.

"Халқ банки" вилоят филиалида амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини бермоқда. Чунончи, қисқа вақт ичида яъни 2008 йилнинг 1 август ҳолатида аҳоли омонатларининг миқдорида 6,1 миллион сўмни ташкил этди ёки 2008 йил 1 январ ҳолатига нисбатан омонат миқдори 683,0 миллион сўмга кўпайди. Шундан муддатли омонат турларига жалб қилинган депозитлар миқдори 3,5 миллион сўмни ташкил этган ҳолда 2008 йил 1 январда мавжуд омонат миқдори - 3,2 миллион сўмга нисбатан 360,0 миллион сўмга ошди.

Таъкидлаш жоизки, "Халқ банки" вилоят филиали тасарруфида шу йилнинг 1 июль ҳолатига 21 та мини банк, 22 та махсус касса, 134 та шахобча мавжуд. Улар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаяпти. Мазкур мини банк, касса ва шахобчалар ҳукуматимизнинг иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган бир қатор қарорлари ижросини таъминлашда қўл келаяпти. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ давлат солиқ инспекциялари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар қайта кўриб чиқилди. 2008 йил 1 июль ҳолатида аҳолидан 12901,0 миллион сўм миқдорида табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 104-сонли қарорининг ижросини таъминлаш борасида аҳолига ва кичик бизнес субъектларига берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар миқдори 2008 йилнинг 1 июль ҳолатида 17971,0 миллион сўмни ташкил қилди. Бу 2007 йил 1 июль ҳолатига нисбатан банкнинг кредит портфели (8736,0 миллион сўм) 51,4 фоизга ошганидан далолат беради.

Банк кредит портфелида кичик бизнес субъектларига берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар миқдори 10081,1 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида берилган "Истеъмол" кредитлари (Комфорт, Тўёна, Ипотека) миқдори 2008 йилнинг 1 июль ҳолатида 1185,8 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 36 та ёш оилаларга 335,4 миллион сўм "Ипотека" кредитлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-308-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот йилида 1200 нафар фуқарога 706,2 миллион сўм кредит берилди.

"Халқ банк"и филиаллари томонидан ҳисобот йилида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 1 ярим йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун пахтачилик билан шуғулланувчи 829 та фермер хўжаликларига 6837,9 миллион сўм ва ғаллачилик билан шуғулланувчи 632 та фермер хўжаликларига 1127,5 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ҳаётда банкнинг мижози бўлмаган киши камдан-кам учраса керак. Омонатни сақлаш, уни мижознинг биринчи талабидаёқ берилишини таъминлаш "Халқ банки" томонидан кафолатланган. Бинобарин, мазкур банк омонатчиларнинг энг ишончли ҳамкоридир!

Муҳаммад АҲМЕДОВ,
ДТ "Халқ банки" Бухоро вилоят филиали бошлиғи

• Банк хизмати

Халқимиз фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш юртимизда фаолият юритаётган банкларнинг эзгу мақсадига айланган. Мухбиримиз бу борада қилинаётган ибратли ишлар хусусида АТ "Халқ банки"Жиззах вилояти филиали бошлиғи Нодирбек Ражабов билан суҳбатлашди.

ЭЛГА КЎМАКДОШИМИЗ

— Бугунги кунда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада Сиз раҳбарлик қилаётган банк фаолияти хусусида тўхталсангиз.

— Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкимиз томонидан 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида 37 нафар ёш оилага 197,3 миллион сўмлик истеъмол кредит маблағлари ажратилиб, 68,0 миллион сўмлиги 3 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун берилган ипотека кредитларидир. 37 та ёш оилага 101,1 миллион сўмлик микрокредитлардир. Микрокредитлар ёрдамида эса 37 нафар ёш оила аъзоси янги иш ўринларига эга бўлди.

— Вилоятда кичик бизнес хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида банк мисолида сўзлаб берсангиз.

— Банкимиз томонидан 2008 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 1.049,6 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарига 431,5 миллион сўм, савдо соҳасини ривожлантиришга 447,3 миллион сўм, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига 97,0 миллион сўмлик маблағлар йўналтирилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк мижозларига 480,0 миллион сўмлик кредит маблағлари айланма маблағларни тўлдириш ҳамда ўз ишини ташкил этиш мақсадларида ажратилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларидаги аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида банк ташаббуси билан янги дўконлар қурилиб, озиқ-овқат савдоси ташкил этилди. Ушбу дўконлар 395,0 миллион сўм кредит маблағ билан таъминланди.

— Омонат маблағларининг банкка жалб қилиниши қай даражада амалга ошаяпти?

— Жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларида сақлаш ҳамда мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида банкнинг амалдаги депозит турларига аҳолидан маблағларини чекловсиз қабул қилиш бўйича эътиборга молик ишлар қилинаётир. Жумладан, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига омонат қолдиғи 2020,2 миллион сўмга етди. Бу эса аҳолининг банкка бўлган ишончи ортаётганини ифодалайди.

Азиз юртдошлар!

Банк жамоаси барчангизни Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиёнаси билан табриклайди, Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, улкан бойлик тилайди. Муқаддас, обод ва озод Ватанимиз Ўзбекистон абадул-абад гуллаб, яшнасин!

Суҳбатдош: Тўлқин ЯНГИБОЕВ
"Инсон ва қонун" мухбири

ДАТ "АСАКА" БАНКИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол бизнинг йўлларимизни равшан, дилларимизни мунаввар этаверсин. Ушбу қувончли кунларда юртга тинчлик, Сиз азизларга хотиржамлик ва саломатлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди.

"Асака" банк - фаровонлигингиз калитидир.

ЁШЛАР БИЛАН ҲАМНАФАС

2001 йилдан Миришкор туманидаги "Янгибой" фермер хўжалиги раҳбариман. Фермерлик ҳаракати самарадорлигининг асосий омилларидан бири илғор технологияларни қўллаб, ёнилғи ва минерал ўғитларни кам сарфлаб, буғдой, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишдан иборатдир. Фермерлик фаолиятини бошлашдан аввал ана шу жиҳатларни чуқур ўзлаштиришга интилдим. Хўжалик ер майдонларини 92 гектарга етказдик. Аввал, 20 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланганмиз. Пахта ва ғалла етиштиришда ўзига хос тажриба ва иш услубига эгамиз.

Ҳар бир фермер ташкилотчилик ва тадбиркорлик хусусиятларига ҳамда моддий ресурсларга эга бўлиши керак. Биз деҳқончилик қилаётган ерлардан ширкат хўжалиги даврида пахтадан 15-20, ғалладан 25 центнер ҳосил олинган. Фермер хўжалигига айлангандан сўнг эса бу кўрсаткичлар пахтадан 35-40 центнерга, ғалладан 60 центнерга кўтарилди.

31-мактабнинг таъмирлаш ишларига кўмаклашдик, қишлоқ шифохонаси иситиш тармоғини янгилаб бердик. Мактабнинг иқтидорли ўқувчиларини фермер хўжалиги ҳисобидан доимий рағбатлантириб бораяпмиз. Хўжалигимиз ўзининг техника паркига эга.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан 45 млн. сўм соф фойда олиб, унинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаяпмиз. Фермер хўжалигида 15 та оила доимий, 200 киши мавсумий ишларга жалб этилган бўлиб, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўшаяпмиз.

Туман кенгаши депутати бўлганим учун Чандир қишлоғи ёшлари муаммоларига бефарқ қарай олмайман. Ҳар йили фермер хўжалигимиз ҳисобидан 2 нафар талабани контракт асосида ўқитаяпмиз. 75 нафар фермер билан биргаликда қишлоқдаги 10 нафар ёш оилага уй-жой қуришга кўмаклашдик. 31-мактаб ўқувчилари бизнинг ҳисобимиздан ўқув дарсликлари билан тўлиқ таъминланди. Қишлоқдаги 40 ўринли шифохона ва туғуруқ бўлими фермерлар ҳомийлигида замонавий таъмирлаб берилди. Шунингдек, 12 ўринли замонавий ҳаммом қуриб, қишлоқ аҳлига туҳфа этилди.

Мухтор ШАРОПОВ,
"Янгибой" фермер хўжалиги раиси

Мамлакатда иқтисодиёт ривожи солиқ ва мажбурий тўловларнинг давлат бюджетига тўлиқ тушумига боғлиқ. Навоий вилояти солиқ органи ходимлари саъй-ҳаракати билан бюджетга солиқлар ва тўловлар режаси жорий йилнинг ўтган олти ойида 100,6 фоизга бажарилди. Яъни режага нисбатан 1,9 миллиард сўм маблағ бюджетга ундирилди.

ИМТИЁЗ РАВНАҚҚА ТАЯНЧ

Юртбошимиз ташаббускорлигида қонунчилигимизда бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлди. Қайси соҳани олмайлик, инсон манфаати кўзда тутилган ҳуқуқий база мавжуд. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги **"Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизмат ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича вилоятнинг 127 та корхонасида 1543 касаначи иш билан таъминланган. Фармонга асосан жорий йилнинг ярим йиллигида касаначиларга фойдаланиш учун берилган 102,5 минг сўм мол-мулк солиғи ҳамда иш ҳақидан пенсия жамғармасига ажратма бўйича 93 миллион 222 минг сўмдан ортиқ маблағ имтиёз сифатида тақдим этилди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги **"Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан фойда солиғи тўловида бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Мазкур қонуности ҳужжатига асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётган 67 та корхона 2008 йил биринчи ярмида жами бўлиб 20 миллион 143,7 минг сўмлик солиқ имтиёзига эга бўлган.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги **"Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ, клубларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган чет элдан келтирилган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод қилинган. Бу эса бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтириш имконини бермоқда. Вилоятимизда мазкур Қарорга асосан олтита профессионал клуб қайта жиҳозланмоқда. Уларга жорий йилнинг ўтган даврида берилган имтиёзлар 535 миллион 585,3 минг сўмни ташкил этди. Бу қўллаб-қувватлашлар туфайли "Қизилқум-олтин", "Зарафшон-НЦЗ", "Строител-ПЭМ" каби футбол клублари ривожланиш йўлига чиқиб олди.

Юртбошимиз ташаббуси билан йилимизнинг ёшларга бағишланганлиги, "Ёшлар йили" Давлат дастурининг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда умуман тизимда фаолият юритаётган ходимларга, айниқса, ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, касб доирасида амалга оширилаётган барча вазифалар биздан катта масъулият талаб этади.

Чуқур билимга эга ёшларни ишга қабул қилаяпмиз. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 30 ёшгача бўлган ходимлар бизда 124 нафарни, яъни солиқчиларнинг 29 фоизини ташкил этади. Келгусида ҳам билимли, маданиятли ёшларни ишга қабул қилиш режамизда бор. Ходимларимизнинг яхши ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Замонавий техникаларда иш юритилиши тезкорлик ва сифатни таъминлаяпти.

Шавкат РАҲИМОВ,
Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Истиқлолга эришилган илк йилларданоқ ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга турли имтиёзлар яратиш, ўз фаолиятини эркин ва самарали ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда деҳқон фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ҳосилни қабул қилиш, қайта ишлаш манзилларига тез ва сифатли етказиб бериш ишлари яхши йўлга қўйилган. Қайта ишлаш тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Буни биргина Самарқанд вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вилоятда етиштирилган пахта хомашёсини қисқа ва тез қайта ишлашни ташкиллаштириш борасида кейинги тўрт йилда корхона раҳбарлари, техник ходимлари билан биргаликда пахта тозалаш корхоналарини тубдан ислоҳ қилиш, уруғлик чигит тайёрлаш цехларини бугунги кун талаблари асосида қайта қуриш ва жиҳозлаш борасида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам ислоҳотлар жадал амалга оширилаяпти, — дейди Самарқанд вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раҳбари Н.Омонов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги **"Пахтани қайта ишлаш соҳаси корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"**ги қарорига асосан ўтган йили қисқа муддатда бирлашма тизимидаги "Зиёвуддин пахта тозалаш" корхонасида тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Дастур бўйича лойиҳа қиймати 2618,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Юқоридаги қарорга асосан "Челак" пахта тозалаш корхонасида ҳам жорий йилда кўзда тутилган модернизация ишлари олиб борилди ва замон талабларига жавоб берадиган, ишнинг самарадорлигини оширадиган технологиялар ўрнатилди.

Бундан ташқари, ишчи-ходимларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида теварак-атроф ободонлаштирилиб, боғу роғларга айлантирилмоқда. Янги замонавий кўринишдаги иншоот ўтган июль ойида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Янгиқўрғон" ва "Митан" пахта тозалаш корхоналари ҳам замон талаблари асосида тўлиқ реконструкция қилиниб, қайтадан бунёд этилмоқда. Ишчи ва ходимларни махсус қишки ва ёзги кийим-бош билан таъминлаш мақсадида кийим-кечаклар захираси яратилди.

Жорий йилда 100 нафардан зиёд ишчи хизматчилар "Чортоқ", "Ботаника", "Чинобод" санаторийларида ўз соғлигини тиклаш, дам олиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ, ўтган 2007 йилда бизнинг "Жума" пахта тозалаш корхонамизда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди корхона раҳбари Х.Юсупов. — Заводимизда кенгайтириш ишлари олиб борилиши натижасида технологик режимга қўшимча 2 дона "5 ЛПМ линтер", "1ХК"1 дона, "ОВМ" 1 дона, "НАИЧ" 2 дона, "ИИЧ-9" 2 дона замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши иш сифати ва унумдорлигини ошириш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш самарадорлигини кўтаришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, "Мели Қўчқоров" номли пахта тайёрлов масканида уруғлик чигитини тайёрлаш цехининг фаолият кўрсатиши деҳқонларнинг сара уруққа бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

Айни кунларда пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш ва модернизация ишлари қисман ниҳоясига етган бўлса-да, галдаги 2008 йил ҳосилини исрофгарчиликка йўл қўймасдан тез ва сифатли қабул қилиб олиш ишларига кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Зеро, ўз вақтида қилинган ҳаракат, албатта самарасини беради.

Юнус МИРЗАЕВ

TURON BANK

Республика
акциядорлик-тижорат
«ТУРОНБАНК»
жамоаси

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини
республикамиз Мустақиллигининг
17 йиллик байрами билан
сидқидилдан қутлайди.

Сиз азизларга соғлик, оилавий бахт,
эзгу ишларингизда улкан омадлар тилаймиз.

«Турон банк» — фаровонлигингиз учун
ҳамиша хизматингизда!

МЕҲНАТНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Раҳматилло Камолов нафақат Фарғона вилоятида, балки бутун водийда кўзга кўринган фермерлардан бири. У Тошлоқ туманидаги "Камраҳ" фермер хўжалигига раҳбарлик қилади.

Раҳматилло ака дастлаб тадбиркорлик фаолиятини "Камраҳ" савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилган ҳолда йўлга қўйганди. Шу билан бирга шахсий маблағи ҳисобидан 26 бош қорамол олиб парваришлай бошлади. Чорва озуқаси етиштириш учун эса ширкат хўжалигидан 4 гектар ер олди. Натижада секин-аста чорва бош сонлари кўпайиб, фирма "Камраҳ" фермер хўжалигига айлантирилди ҳамда унга 130 гектар ер ажратиб берилди. Бу ҳолат паррандачиликнинг йўлга қўйилишига ҳам туртки бўлди. Яъни Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган паррандачилик фабрикасидан 5000 донадан ортиқ зотдор товуқлар келтирилди.

2000 йилда АТ "Пахта банк" томонидан берилган 14 миллион сўмлик кредит эвазига бир кеча-кундузда 9 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, замонавий чет эл технологиялари билан жиҳозланган цех ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда қатиқ, пишлоқ, ёғли сут, сариёғ, сметана каби сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ўтган 2007 йилга келиб, хўжаликда қорамоллар сони 430 тага, қўйлар 200 тага, парранда эса 15.500 тага етди. Шу йили фермер 41 гектарга буғдой, 14 гектарга пахта, 68 гектар майдонга озуқабоп экин экди. Оби-тобида берилган ишлов кўнгилдагидек ҳосил олиш имконини берди. Пахтадан 14 центнер ўрнига 15,7 центнер, буғдойдан 38 центнер ўрнига 56 центнердан хирмон кўтарилди. Хўжалик ихтиёрида оз эмас, нақ 73 тонна дон қолди. Қишловга 1904 тонна ем-хашак жамғарилди. Энг асосийси, 250 тонна гўшт, 290 тонна сут, 14 тонна товуқ гўшти, 2.960.000 дона тухум етиштирилиб, йил 189 миллион 300 минг сўм даромад билан якунланди. Ушбу даромаднинг 28 миллион 404 минг сўми соф фойдадир.

Жорий йил ҳам фермер хўжалиги учун омадли келди. Аниқроғи, йил бошида туманнинг Заркент ММТП ҳудудидаги айрим тугатилган фермер хўжаликларининг 56 гектар ери қайта танлов асосида "Камраҳ" фермер хўжалигига қўшиб берилди. Унинг 67,7 гектарида режадаги 145 тонна ўрнига 338,5 тонна бошоқли дон етиштирилди. Ҳозир 20 гектар майдондаги пахталар қийғос очилган. 7 гектар ерда ташкил қилинган шафтолизор ҳадемай мева бера бошлайди. 91,3 гектардан 2567 тонна маккажўхори силоси ўриб олинди. Такрорий экин тариқасида 40 гектарга яна маккажўхори уруғи қадалган. Йилнинг дастлабки 6 ойидаги ҳисоб-китобларга кўра, 130 тонна гўшт, 151 тонна сут, 4,5 тонна товуқ гўшти, 1 миллион 800 минг дона тухум етиштирилди. Бу маҳсулотлар асосан тумандаги халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилади.

Албатта, фермер хўжалиги бундай муваффақиятларга ўзидан эришаётгани йўқ. Меҳнатга яраша рағбатлантириш ютуқлар омили бўлмоқда. Бугун хўжаликда 48 нафар киши иш билан таъминланган. Уларга ойлик иш ҳақидан ташқари ҳар куни бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Ғалла ўрим-йиғими вақтида ҳар бир ишчига 500 килограммдан дон ҳам тарқатилди.

Ҳаётда йиқилган инсонни суяш, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш, хайру саховат кўрсатиш фақат халқимизга хос азалий фазилатлардан саналади. Шунинг учун Р.Камолов ҳам бундай ишларни ўзининг кундалик шиорига айлантирган. Масалан, тумандаги якка-ёлғизлар маркази фермер хўжалиги ташкил этилган пайтданоқ оталиққа олинган. Биргина 2007 йилда 4 та кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқатилди. Қолаверса, тумандаги таълим муассасаларини таъмирлаш, болалар спортини ривожлантириш ҳамда ишчи-ходимларни рағбатлантиришга 4.900.000 сўм маблағ сарфланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Раҳматилло ака 1998 йилда "Ташаббус-98" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритиб, "Олтин медаль" ва Президент совғаси - "Дамас" автомашинаси билан, худди шу йили Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан деҳқон ва фермерлар ўртасида ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, "Тико" автомашинаси билан тақдирланган. Энг эътиборлиси, 1999 йилда давлат мукофоти - "Шуҳрат" медали соҳиби бўлган.

Айни пайтда фермер тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партиясининг Фарғона вилоят кенгашига ҳам етакчилик қилмоқда. Меҳнатнинг таги роҳат, деб шунга айтсалар керакда.

Хуршид УСМОНАЛИ
ўғли

"САМАРҚАНДПАХТАСАНОАТ" ҲУДУДИЙ ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ТИЗИМИ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, юртимиз фермер ва тадбиркорларини Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, қалбингизга қувонч ҳамиша ёр бўлсин!

"АНДИЖОНКИМЁСАНОАТ" ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини
энг улуғ, энг азиз
байрам - Мустақилликнинг
17 йиллиги
билан чин дилдан
муборакбод этади.
Барчанинг хонадонига
тинчлик-тотувлик,
дастурхонига
файзу-барака тилайди.

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол,
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
"МИКРОКРЕДИТБАНК" АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

MIKROKREDITBANK

Республикамиз мустақиллигининг 17 йиллиги
шодиёнаси билан барча ватандошларимизни қизғин
муборакбод этади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугунги кунда халқимиз ҳаётининг фаровонлашувида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, банк тизимидаги ўзгаришлар ҳам жамиятимизда бир талай қулайликлар яратаётгани билан таҳсинга лойиқ. Давлат-тижорат Халқ банкининг Самарқанд вилояти филиали фаолиятида ҳам ана шундай ижобий ҳолатларни кўриш мумкин. Банк филиалининг 2008 йил 1 август ҳолатига кўра, кредит портфели 27116,5 миллион сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 12069,1 сўмга ошган.

ХАЛҚ КЎМАКЧИСИ

Вилоят аҳолиси, ёш оилалар, хўжалик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банк йўриқномалари ҳамда Халқ банки ички меъёрий ҳужжатлари талабларини бажариш мақсадида филиал томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йилнинг ўтган даври мобайнида Президентнинг 2007 йил 18 майдаги **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларини бажариш мақсадида 694,5 миллион сўм миқдорида 50 нафар ёш оилага шахсий уй-жой сотиб олиш ва уй-жойларини реконструкция қилиш мақсадларида ипотека кредитлари ажратилди. Фуқароларнинг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида эса банк филиаллари томонидан 1170,0 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 532,4 миллион сўм миқдоридаги қисми 258 нафар ёш оилани истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадига йўналтирилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори талабларини бажариш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган тавсияномалар асосида 476 нафар кам таъминланган оилага 565,0 миллион сўм миқдорида чорва моллари сотиб олиш мақсадида микрокредитлар ажратилди.

Шу билан бир қаторда банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Класс-Даминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайнлари, қатор ораларига ишлов берувчи чопиқ ҳамда ҳайдов тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун жами 1162,0 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Юқорида амалга оширилган ишларнинг кўлами ва сифатини янада ошириш бўйича Халқ банки Самарқанд вилояти филиали томонидан барча зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шавкат САТТОРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Қарши политехника касб-ҳунар коллежида 7 та йўналиш бўйича мингга яқин ўқувчилар таълим олиб, уларга 100 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагог таълим-тарбия бермоқда.



Коллеж ўрта махсус касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи асосида қуйидаги йўналишлар бўйича кичик мутахассислар тайёрлайди. Бухгалтерия иши, информатика ва коммуникация технологиялари, саноат корхоналари ва иншоотлари, электр жиҳозлари ва электр узатиш линиялари бўйича техник, сув таъминоти ва оқава сув тизимларини ўрнатиш ҳамда таъмирлаш бўйича техник, газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича талабалар таҳсил олади.

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантириш мақсадида вилоятдаги 100 та корхона ва ташкилот билан 2005-2009 йилгача ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилган. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти васийлигида институтнинг 2 та кафедраси филиали ташкил этилган. Коллежда жами 7 та кафедра фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, замонавий лойиҳа асосида ахборот ресурс маркази мавжуд, у талаб даражасида жиҳозланган.

Кутубхона фонди 11000 дона ўқув адабиёти ва дарсликларни ташкил этади.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари ва маънавий етук инсон бўлиб етишишлари, дарсдан кейин бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фан ва спорт тўгараклари, маънавият хонаси, ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси, маданий дам олиш хоналари, 2 та спорт зали, катта ва кичик волейбол, футбол майдончалари улар хизматида.

150 ўринли барча қулайликларга эга бўлган замонавий ётоқхона ва ошхона мавжуд. Бюджетдан ташқари маблағ тушумини ошириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Аваз МАВЛОНОВ,
Қарши политехника коллежи директори

"УЙЧИ НЕФТЬ БАЗАСИ" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни эрк ва ҳурлик айёми - Истиқлолнинг 17 йиллиги билан табриклайди. Танти ва меҳнаткаш, бунёдкор халқимизга тани сиҳатлик, буюк келажак йўлидаги одимларига ривож тилайди.

«ҚАРШИЁҒЭКСТРАКЦИЯ» ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Истиқлол айёми, Мустақилликнинг 17 йиллик муборак тўйи, озодлик куни билан халқимизни муборакбод этади.

Озод мамлакатга тўйлар-байрамлар ярашади. Тинчлик-осойишталик, кут-барака, соғлик-омонлик барчангизга ёр бўлишини тилайди. Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, юртимиз обод бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

"ҲАМРО ПИРНАФАСОВ" ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛИК ФИРМАСИ



минг отлиқлар эли, дея эътироф этилган Ҳазорасп аҳли, қолаверса, барча юртдошларимизни улуғ айём - Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан чин дилдан қутлаб, мижозлар хизматига ҳамиша қамарбаста эканлигини изҳор қилади.

Ҳамро ПИРНАФАСОВ,
фирма раҳбари

Кейинги йилларда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш ва унификация қилиш борасида Президентимизнинг бири қатор Фармони, қарорлар бошқа ва қонуний ҳужжатлар қабул қилиниб, улар кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан оширишга замин яратмоқда. Бундай қонуний ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан белгиланган солиқларни ўз вақтида тўланиши борасида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси томонидан ибратли ишлар қилиняпти.

СОЛИҚ ВА ИМТИЁЗ

Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан белгиланган режа асосида иш олиб бориляпти. 2008 йилнинг 6 ойи давомида барча назорат органлари томонидан 628 та режали, 233 та режадан ташқари, жами 857 та текшириш ўтказилди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилнинг шу давридаги даражасидан 155 тага камлиги эътиборга молик.

Президентимизнинг 2005 йил 20 июндаги "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони янги ташкил қилинган микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ тўловларини бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқини берди. Ушбу имтиёздан жорий йил 1 июль ҳолатига 30 та корхона фойдаланди.

Бундан ташқари, солиқ ставкаларининг камайтирилиши ва солиққа тортиш механизмининг соддалаштирилиши боис солиқ тўловчилар ихтиёрида кўплаб маблағлар қолдирилмоқда. Жумладан, 2008 йилда амал қилаётган солиқ ставкалари бўйича тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 2,7 миллиард сўм маблағ қолдирилиши кутилмоқда.

Ушбу маблағлар кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўсишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш базаси кенгайтирилишига, янги иш ўринларини яратишга ва натижада айланма маблағлар кўпайиб, аҳоли реал даромадининг ошишига йўналтирилади.

Бундай имтиёзлар тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари кўпайиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмларининг ошиши орқали солиқ солиш базасининг кенгайтирилишига ҳам олиб келади.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда айрим қонунбузилиш ҳолатлари борлиги ҳам аниқланди. Шунга кўра, хўжалик субъектларининг юстасига 795,3 минг сўмлик молиявий жарималарни қўллаш учун хўжалик судларига даъво аризалари киритилди ва суд томонидан тегишли ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Бошқармамиз томонидан солиқ соҳасидаги ислоҳотларга доир қонуний ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида тарғибот ишлари олиб бориляпти. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида жами 177 та шу мавзуга бағишланган чиқишлар қилинди ҳамда жойларда 172 та семинар ташкил этилди.

Холмирза БЕКЧАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ "ҒАЛЛАБАНК" жамоаси

юртдошларимизни Ўзбекисон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги билан муборакбод этиб, қуйидаги йиллик 18 фоизли янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

Омонат тури	*Муддати*	*Эслатма*
"Ko`zgu"	*1 ой*	*фоизлар олдиндан тўланади.*
"Tong"	*1 ой*	*фоизлар муддат тугагандан сўнг тўланади.*
"Mussafo"	*3 ой*	*фоизлар олдиндан тўланади.*
"Saraton"	*3 ой*	*фоизлар ҳар ойда тўланади.*
"Mukofot"	*6 ой*	*фоизлар олдиндан тўлаб берилади.*
"Zamin"	*6 ой*	*фоизлар ҳар ойда тўланади.*
"Foydali"	*1 йил*	*фоизлар ҳар ойда тўланади.*
"Adolat"	*2 йил*	*фоизлар ҳар икки ойда тўланади.*
"Omad"	*1 йил*	*ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади.*

Мазкур омонатлар жорий йилнинг 1 октябрига қадар қабул қилинади.
Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланади.

Маълумот учун тел: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80,
www.g'allabank.com
"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

«Самарқанд Электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси

энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - республика Мустақиллигининг 17 йиллик тўёнаси муносабати билан Ўзбекистон диёрида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча инсонларни ушбу қутлуғ айём билан қизғин муборакбод этади.

Ҳар доим ана шундай байрам тантаналари халқимиз қувончига янада қувонч улашсин.

"UZB" РЕЙТИНГИДАГИ БАНК

"Ўктамбанк" хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки бугунги кунда қарийб 2000 га яқин турли мулкчилик шаклидаги мижозга хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозониб келмоқда.

Ҳозирда банк ресурс базасини мустаҳкамлаб корхона ва ташкилотларнинг, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида муомалага 1000 га яқин пластик карточкалар чиқарилди, савдо нуқталарига 50 га яқин терминал ўрнатилди ва яна қўшимча 30 дан ошиқ савдо терминаллари ўрнатиш, муомалага 3800 та пластик карточка чиқариш мўлжалланмоқда.

Президентимизнинг **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"**ги 2007 йил 18 майдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 142,3 млн. сўмлик оилавий эҳтиёжлар учун зарур истеъмол товарлари ва уй-рўзғор буюмлари олиш учун истеъмол кредитлари, уй-жой сотиб олиш учун 600,0 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Қарши шаҳри аҳолисига қулай транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида "Дилноза" хусусий корхонасига 101,0 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилиб, Россияда ишлаб чиқарилган 5 та "Газ 2217-5403" русумли микроавтобус олиб берилди. Бу эса транспорт хизматининг сифатини оширишга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ҳозирги кунда "Ўктамбанк"да 563 та фермер хўжалиги ўз ҳисоб рақамини очган. Уларга самарали хизмат кўрсатиш мақсадида Қарши тумани марказида Бешкент мини банки ва Шаҳрисабз тумани марказида Шаҳрисабз мини банки фаолият олиб бормоқда.

2008 йил ғалла ҳосили учун 326 та фермер хўжалигига жами 437598.0 минг сўм миқдорида, пахта ҳосили учун эса 328 та фермер хўжалигига 1708235.0 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида 2 та фермер хўжалигига "ВТ-150" русумли занжирли ҳайдов трактори сотиб олиш учун банк ўз ресурси ҳисобидан кредит ажратди.

Паррандачиликни ривожлантириш ишларига ҳам банк ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Яқинда Юртбошимиз вилоятга ташрифи давомида "Ўктамбанк" хизмат кўрсатаётган Қарши туманидаги "Ҳасанов Парда" фермер хўжалигида бўлиб, фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар, деҳқонларнинг яшаш шароитлари билан қизиқди ва учрашув чоғида Президентимиз хўжалик раҳбарига "Дамас" енгил машинаси совға қилди. Бундан биз ҳам жуда мамнун бўлдик.

Банк томонидан болалар спортини ривожлантиришга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшилмоқда. Жумладан, бевосита банк ва бошқа ҳомийлар ёрдамида Қарши тумани Ҳилол қишлоғида қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш мақсадида йирик спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда банк 2007 йил молиявий фаолияти бўйича халқаро "PRICE WATER HOUSE COOPERS" аудиторлик ташкилотининг ижобий натижасини олишга муваффақ бўлди.

Ўз навбатида банкнинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи 2008 йил 1-чорак мониторинг натижалари бўйича "Ахбор-Рейтинг" Банклараро рейтинг компаниясининг "UZB" рейтингини олишга эришди.

Акром ШУКУРОВ,
"Ўктамбанк" ХОАТ банки
бошқаруви раиси

Навоий вилоятида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида теран маънавият соҳиби, малакали мутахассис даражасида тарбиялаш яхши йўлга қўйилган. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 40 та ихтисослашган касб-ҳунар, 4 та академик лицейда жами 36 мингдан зиёд ёшлар 94 йўналиш бўйича таҳсил олишмоқда. Ёшларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этиш мақсадида 1006 та фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. 26 мингдан зиёд талаба машғулотларда қатнашмоқда.

ФАХР ВА ҒУРУР УЙҒОТМОҚДА

Барча таълим ўчоқларида Ахборот ресурс маркази мавжуд. Улар сиёсий, бадиий адабиётлар билан эҳтиёжга қараб таъминланган. Бу эса вилоятда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Вилоятда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш "Камолот" ЁИҲ етакчилари раҳбарлигида намунали йўлга қўйилган. Бунинг самараси ўлароқ юзлаб ёшлар Республика фан олимпиадасида, "Баркамол авлод" спорт мусобақасида ва бошқа кўрик-танловларда иштирок этиб келмоқда. Бу эса ташаббускор ва интилувчан, билимга чанқоқ ёшлар сафи кенгайишига замин яратмоқда.

Барча таълим масканларида касб-ҳунар йўналишлари бўйича кафедралар ташкил этилган. Ёшларнинг қизиқишини эътиборга олиб, олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тест синовлари топшириладиган фанлар бўйича чуқурлаштирилган машғулотлар махсус дастур асосида тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Айниқса, Навоий техника иқтисодиёт коллежи, Навоий маданият ва санъат коллежи, Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицей, Кармана туман қишлоқ хўжалик коллежи, Хатирчи туман қишлоқ хўжалик коллежи ютуқлари ҳақида тўхталиш жоиз.

— Бу таълим муассасаларида назарий машғулотлар ва амалиёт сабоқлари миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда ташкил этилган, — дейди Навоий вилояти Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбари Баҳодир Собиров. — "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш учун талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш бўйича махсус режа-дастур ишлаб чиқилиб, ижроси амалга оширилмоқда. Ушбу режа-дастур мазмунига кўра, ёшлар кўпроқ билим олиб, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши аниқ мақсад қилиб қўйилган. Бунинг ечимини топиш учун ўқитувчилар томонидан юзлаб ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари ва электрон дарсликлар яратилган. Бу эса вилоят ёшларининг ютуқларида ўз аксини топмоқда. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Томди қишлоқ хўжалик коллежи талабаси Молдир Рустамова, Навоий маданият ва санъат коллежи талабалари, "Келажак овози" кўрик-танлови республика босқичи ғолиби, гранд соҳибаси Муниса Ахатова, Феруз Аҳмедов эришган ютуқлар бунга мисолдир.

Давлат таълим стандартлари асосида ёшларга таълим-тарбия беришда фидойи ўқитувчилардан Ирода Шодиева, Адолат Ҳаитова, Илҳом Норбоев, Сайфулла Тошев, Фотима Ҳикматоваларнинг педагогик фаолияти эътиборга лойиқ, деб топилган. Вилоятда спорт-соғломлаштириш ишларига катта аҳамият берилмоқда.

2008 йилда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақасида 112 нафар талаба вилоят шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 55 та медаль билан чемпионлар сафидан жой олди. Бу ютуқлар талаба-ёшларни етуклик камолоти сари илҳомлантириши табиий.

Ўткир ПЎЛАТОВ

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир:
Қўчқор НОРҚОБИЛ

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-65-99, 233-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Масъул:
Алимқул СУЛТОНОВ
Саҳифаловчи:
Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Буюртма рақами: 08-840

Газета «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили:
Индекс: 100129 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.